БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 47 (16.130) ● 25 февраль 1975 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин

А. Н. КОСИГИН С. Х. АНСОРИЙ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 24 февраль куни Эрон экономика ва молия ишлари министри Х. Ансорийни қабул қилди. Х. Ансорий иқтисодий ҳамкорлик юзасидан Совет — Эрон доимий комиссиясининг олтинчи мажлисида Эрон делегациясига бошчилик қилмоқда.

Суҳбат вақтида Эрон шоҳи 1974 йилнинг ноябрида Совет Иттифоқига қилган визити чоғида келишиб олинган фикрларни ривожлантириш билан бирга турли соҳаларда Совет — Эрон ҳамкорлигининг бир қанча актуал масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Андижон пойафзал фабрикасининг илғор ишчиси, коммунист Исмоил Жалолов 1978 йил ҳисобига иш бошлади. Пешқадам пойафзалчи беш йиллиқда 150 минг квадрат дециметр чарм маҳсулотлари тежаб қолиш мажбуриятини олган. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори И. Жалолов.

С. Безносов фотоси.

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ — ҒАЛАБАЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЕНГИЛ САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ҚУВВАТЛАРНИ ТЕЗРОҚ ИШГА ТУШИРИШ, ЯНГИ ҚУВВАТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА.

КПСС Марказий Комитети Украина ССР, Белоруссия ССР, Молдавия ССР, Иваново, Ленинград, Москва ва Ростов областларидаги енгил саноат, озиқ-овқат саноати, балиқ, гўшт ва сут саноати қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, бир қанча машинасозлик заводлари коллективларининг 1975 йилда қурилиш муддатларини қисқартириш, қувватларни муддатидан илгари ишга туширишга, янги қувватларни ўзлаштириш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш ҳамда шу йўл билан юқори сифатли маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш тавсия этилди. Корхона ва қурилишлар коллективларининг, хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат-эътибори объектлар қурилишини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун ички резерварларни қидириб топиш ва уларни ишга туширишга жалб этилсин. Мусобақадош коллективларнинг ғоят самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитни вужудга келтириш мақсадида маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналари, болалар ва медицина муассасаларининг ишини яхшилаш чоралари кўрилсин, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларини малакали кадрлар билан таъминлашда қурилишларга ва корхоналарга ёрдам берилсин.

ВЛКСМ Марказий Комитети ва маҳаллий комсомол ташкилотларининг йигит ва қизларни комсомол йўлланмаси билан енгил саноатнинг энг муҳим корхоналари ва қурилишларига юбориш соҳасида бажараётган ишлари маъқулланди. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига ана шу соҳадаги корхонада ишлаш учун ёшларни жамоатчилик йўли билан, даъват этишда комсомол ташкилотларига ёрдам бериш тавсия қилинди.

Қурилиш ва саноат министрликларига илғор коллективларнинг корхоналарни қуриш муддатларини қисқартиришга, янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш; ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, янги прогрессив конструкцияларни, материал ва ускуналарни қўлланиш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати қурилишлари ҳамда корхоналарида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини кенг жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларга ёрдам бериш вазифаси топширилди.

СССР Госпланига, СССР Госснабига, тегишли министрликлар ва идораларга енгил саноат ва озиқ-овқат саноати қурилишларини биринчи навбатда комплектлаш ва материал-техника билан таъминлаш таклиф қилинди.

Маҳаллий партия органларига, машинасозлик министрликлари раҳбарларига, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати иншоотлари учун керакли заказларни бажарувчи корхоналарнинг партия ташкилотларига объектларни олинган мажбуриятларга мувофиқ ишга туширишни таъминлайдиган муддатларда машина-ускуналарни ўз вақтида тайёрлаш ва етказиб бериш устидан доимий контроль ўрнатиш вазифаси топширилди.

Украина ССР, Белоруссия ССР, Молдавия ССР, Иваново, Ленинград, Москва ва Ростов областлари енгил саноат, озиқ-овқат саноати, балиқ, гўшт ва сут саноати қурилиш ташкилотлари ҳамда корхоналарининг ва шу соҳалар учун машина-ускуна ишлаб чиқарувчи бир қанча машинасозлик заводлари коллективлари КПСС XXIV съезднинг совет халқи фаровонлигини ошириш ҳақидаги тарихий қарорларини бажара бориб ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳамда шаҳсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикларидан илҳомланиб, қурилиш муддатларини қисқартириш, янги қувватларни ишга туширишда ўзлаштиришни жадаллаштириш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришни таклиф қилдилар.

Мусобақа ташаббускорлари ана шу тармоқлардаги қурилишларда зарур ресурсларни концентрациялаш, мавжуд резервлардан яхшироқ фойдаланиш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини, янги прогрессив бинокорлик материаллари ва конструкцияларни жорий қилиш йўли билан капитал қурилишларга маблағ ажратиш йиллик планини 25 декабргача бажаришни таъминлашга қарор бердилар. Барча ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ва маданий-маиший объектларни қурилиш ва монтаж ишларининг сифатини юксак даражага кўтариш йўли билан ишга туширамиз. Саноат корхоналарининг мажбуриятларида илғор бригадаларнинг тажрибасини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини кенг қўллайиш, малакали кадрларни ўз вақтида тайёрлаш кўзда тутилган. Комсомол ташкилотлари оталиқ йўли билан ёрдам бериш тартибида йигит ва қизларни комсомол йўлланмалари билан енгил саноатнинг энг муҳим қурилишлари ва корхоналарига юборадилар.

Мусобақа ташаббускорлари қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши 1975 йилда планга қўшимча равишда 536 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Социалистик мусобақа ташаббускори бўлган коллективлар қуйидаги мажбуриятларни олишди:

УКРАИНА ССРДА

Тернополь ип газлама комбинатида 12,5 минг йигирув урчуғини муддатидан илгари, 10 августгача ишга туширамиз: Житомир луб ва Первомайск гўшт комбинатларининг қувватини октябрь ойида, Коростень чинни заводи, Владимирец зигир заводида, Иванофранковск ва Красноград шаҳарларидаги нон заводлари, Херсон ва Гнединск сут заводларидаги қувватларни 5 декабргача ишга туширамиз; Киевдаги гўштни қайта ишлаш заводини 7 ноябргача, Бершад балиқ цехи, Команов ва Майоров балиқ хўжаликларидаги ҳовузларни муддатидан бир ой илгари фойдаланиш учун топширамиз; Донецк ип газлама комбинатида 35 миллион метр газлама ишлаб чиқарадиган қувватларни, Днепропетровск шаҳар сут заводи ва Теофиполь қанд заводи қувватларини муддатидан илгари ишга туширамиз. Коростень чинни заводи ва Будянск фаянс заводи коллективлари ишлаб чиқариш қувватларини нормативдаги муддатдан тўққиз ой олдин, Ромни Гардин-Тюль фабрикасини муддатидан уч ой олдин. Донецк ип газлама комбинатидаги биринчи ва иккинчи тўқув фабрикалари, бир қанча қанд-шакар заводлари ва Котовский нон заводи ишлаб чиқариш қувватларини бир ой олдин ўзлаштирадилар.

1975 йилда ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш, ўзлаштириш ва мавжуд қувватлардан яхши фойдаланиш чораларини амалга ошириш йўли билан пландан ташқари 274 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 3,2 миллион метр газлама, 1 миллион жуфт пойафзал, 14,1 миллион сўмлик кийимкечак, 3,4 миллион дона чинни-фаянс идишлар, 54 минг тонна қанд-шакар ва маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқарамиз.

БЕЛОРУССИЯ ССРДА

Могилев шойи газлама комбинатида 500 тўқув станогини белгиланган муддатдан ярим йил олдин ишга туширамиз, Минск пиво заводида, Сморгонь шаҳридаги сут заводида, Витебск мўйна комбинатида қувватларни, Слуцк гўшт комбинатида холодильникни, Гродно йигирув-ип комбинатида ип корхонасини муддатидан икки ой олдин ишга туширамиз. «Лукомль» балиқ питомнигини, Березов гўшт комбинати ва Чаус зигир заводидаги қувватларни муддатидан бир ой олдин ишга туширишни таъминлаймиз. Бир қанча уй-жой ва маданий-маиший объектларни муддатидан илгари фойдаланиш учун топшириш мўлжалланди. «Лукомль» балиқ питомниги коллективи янги қувватларни нормативда белгиланганидан бир йил олдин ўзлаштириб, Могилев шойи газлама комбинати, Минск шаҳридаги пиво ва гўштни қайта ишлаш заводлари ҳамда Березовдаги гўшт комбинати янги қувватларни планда белгиланган муддатлардан бир-уч ой олдин ўзлаштириш мажбуриятини олди. Мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси оширилади.

Республикадаги корхоналар ана шу тадбирларни амалга ошириш йўли билан белгиланган пландан ташқари 92,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар, қўшимча равишда 1,5 миллион метр газлама, 800 минг дона трикотаж ва 500 минг жуфт пайпоқ, 4 минг тонна гўшт, 5 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, 3,3 миллион шартли банка сабзавот консервалари тайёрлайдилар.

МОЛДАВИЯ ССРДА

Тирасполь ип газлама комбинатида 1284 тўқув станогини ва Унген консерва заводида сабзавот консервалар ишлаб чиқариш қувватларини винокорлар кунига қадар ёки белгиланган муддатдан 50 кун олдин ишга туширамиз; Кишинев пиво заводида салод ишлаб чиқаришни муддатидан 50 кун олдин, Яловени қишлоғида винодо қуйиш цехини ва «Оргеевский» совхоз-заводда вино тайёрловчи комплексни 25 сентябргача, Глубокое қишлоғидаги дастлабки виночилик заводини 25 октябргача, Дондушан гўшт комбинати холодильникини 5 декабргача ишга туширамиз: Тирасполь ип газлама комбинатида пардозлаш фабрикасини, Кишинев макарон фабрикаси, Гаваноаси қишлоғидаги дастлабки виночилик заводини қуриш ва ишга туширишни, Братушан қанд-шакар комбинатида лавлагини қайта ишлаш қувватларини ишга туширишни муддатларини қисқартирамиз.

Лойиҳада белгиланган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш ва ишлаб турган қувватлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан қўшимча равишда 35,7 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 2,5 миллион сўмлик кийимкечак, 43 миллион шартли банка сабзавот консерваси, 2 минг тонна ўсимлик ёғи, 380 минг декалитр узум виноси ишлаб чиқарамиз.

Республикадаги енгил саноат корхоналарида Тирасполдаги ВЛКСМ 40 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси тажрибасига асосан маҳсулот сифатини яхшилашнинг комплекс системасини жорий қиламиз.

ИВАНОВО ОБЛАСТИДА

Фурманов шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли фабрикада 75,3 минг йигирув урчуғини ва Фролов номли меланж комбинатида пардозлаш фабрикаси қувватларини муддатидан илгари, 1 декабргача, Красноволжск ип-газлама комбинатида тайёрлов цехини 1 октябргача ишга туширамиз. Уй-жой ва маданий-маиший объектларни муддатидан илгари қуриб, фойдаланиш учун топширамиз. Ивановодаги пиво заводида ва балиқни қайта ишлаш корхонасида қувватларни муддатидан икки ой олдин ўзлаштирамиз. Олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун тармоқ ҳунар-техника билим юртларида 4,7 минг ишчини тайёрлаш ва якка-якка тартибда ўқитиш йўли билан 9,6 минг кишини тайёрлаш, 35,5 минг кадр ишчининг малакасини ошириш мўлжалланди. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — йигирувчи Е. Амосова, тўқувчи А. Смирнова, мастер ёрдамчиси В. Смирновнинг тажрибасини кенг қўлланиш мўлжалланди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қўшимча равишда 45 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 1250 тонна ип газлама калаваси, шундан юқори сифатли 800 тонна таралган калава тайёрлаш имконини беради.

ЛЕНИНГРАД ОБЛАСТИДА

«Скороход» пойафзал бирлашмасининг Луга филиалида қувватларни, «Октябрская» фабрикасида тўқув станоклари, Ломоносов номли чинни идиш заводи ва Кингисеппдаги сут заводи қувватларни муддатидан бир ой олдин ишга туширамиз. Ишлаб чиқариш новаторларидан мастер ёрдамчиси В. Шчаников, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони тўқувчи Е. Демидова тажрибасини кенг ёйиш йўли билан «Лентекстиль» бирлашмасида, Гардин тўр фабрикасида ва Тельман номли нафис ва техник мовут комбинатида янгидан ўрнатилган технологик ускуналарнинг лойиҳада белгиланган қувватини планда кўрсатилган муддатлардан анча илгари ўзлаштириш мўлжалланади. Қувватлардан яхшироқ фойдаланиш йўли билан қўшимча равишда 35 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 1,5 миллион метр газлама, 800 минг жуфт пойафзал, 9 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ва 6 минг тонна овқатбоп балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш кўзда тутилди.

МОСКВА ОБЛАСТИДА

«Вождь пролетариата» ип газлама комбинати тўқув корпусининг ишлаб чиқариш майдонлари қурилиш ишларини совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 30 йиллиги шарафига муддатидан икки ой илгари 1 майда тамомлаймиз ва технология асбоб-ускуналарини монтаж қилиш учун топширамиз ҳамда пландаги тўртинчи квартал ўрнига учинчи квартада 900 тўқув станогини фойдаланишга топширамиз. Шчелково ип газлама комбинатида бўяш-пардозлаш корхонасини, Клин пиво заводини, Воскресенскдаги фетр фабрикасида қувватларни муддатидан илгари ишга туширамиз.

Серпуховдаги «Красний текстильщик» ип газлама комбинатида илгари ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан олти ой барвақт, «Вождь пролетариата» ип газлама комбинатидаги қувватларни муддатидан 3 ой илгари ўзлаштирамиз. Дулевдаги бўёқ ва Раменское консерва заводида янгидан ишга туширилган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштирамиз. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига йиллик планга қўшимча равишда 37,2 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 10 миллион сўмлик кийим-кечак, 30 минг квадрат метр гилам ва поёндоз ишлаб чиқарилади.

РОСТОВ ОБЛАСТИДА

Азов нон заводини ҳамда Волгодонск балиқ заводини 7 ноябрда, Новочеркасск тикувчилик фабрикасини, Таганрог гўшт комбинатининг ёғ-мой комплексини ва Новочеркасскдаги тажриба-намуна балиқчилик комбинатининг 750 гектардан иборат балиқ урчитиладиган ҳовузларини 5 декабрда ишга туширамиз. Узоқ балиқ комбинатида ишлаб чиқариш қувватларини нормативдаги муддатлардан икки йил олдин, Новочеракасск ва Константиновск балиқчилик хўжаликларининг 912 гектар майдонда балиқ урчитиладиган ҳовузларини бир йил илгари ўзлаштирамиз ва шу ҳисобдан қўшимча равишда 10 миллион балиқча ва 53,9 минг центнер товар балиқ етиштирамиз. Шахтинск ип газлама комбинатида тўқувчилик корхонасини ва Таганрог нон заводидаги қувватларни муддатидан икки-уч ой илгари ўзлаштирамиз.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг коллективлари янгидан ишга туширилган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш ва мавжуд қувватлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига қўшимча равишда 16 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Шу республикалар ва областлардаги ташаббускор коллективларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларида енгил ва озиқ-овқат саноати министрлигининг бир қанча корхоналарида қурилиш ишларини тезлатиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни, шунингдек халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадал фойдаланишга топириш учун зарур бўлган юксак сифатли технологик асбоб-ускуналарни ўз вақтида тайёрлаш ва етказиб бериш назарда тутилади.

Ташаббускорлар социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини оширишга интилиб, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқларида қурилиш планларини муддатидан илгари бажариш, янги қувватларни фойдаланишга топириш ва мавжуд қувватлардан фойдаланишни яхшилаш учун мусобақалашиш тўғрисида ўзаро шартнома тузишдилар. Улар шу тармоқларнинг объектларини қураётган бинокорларни ва ишлатувчиларни, шунингдек асбоб-ускуналарни тайёрловчи, етказиб берувчи ва лойиҳа ҳужжатларини тузиб чиқувчи корхоналар, ташкилотларнинг барча коллективларини шу тармоқларда қувватларни тезроқ ишга туширишга ва улардан фойдаланишни яхшилаш учун социалистик мусобақада қатнашишга даъват этдилар. Улар қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш ва шу билан партия XXIV съезднинг совет кишилари турмуш фаровонлигини янада ошириш юзасидан белгилаган программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун бутун куч, билим ва тажрибамизни сафарбар қиламиз, деб КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

УКРАИНА ССР, БЕЛОРУССИЯ ССР, МОЛДАВИЯ ССР, ИВАНОВО, ЛЕНИНГРАД, МОСКВА ВА РОСТОВ ОБЛАСТЛАРИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ҚУВВАТЛАРНИ ТЕЗРОҚ ИШГА ТУШИРИШ ВА МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ЮЗАСИДАН 1975 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ЭРТАНГИ САБЗАВОТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

ЖИЗЗАХ. «Коммунизм» колхози Жиззах шаҳри аҳолисини сабзавот ва мева билан таъминлайдиган ихтисослаштирилган хўжаликка айлантирилди. Сабзавот экиладиган ер майдони 3,5 баравар кенгайтирилди. Колхоз миришкорлари бу йил шаҳарликларга 4 минг 500 тонна сабзавот етказиб беришга қарор қилдилар. Бу ўтган йилдагидан 4,5 баравар кўпдир. Деҳқонлар бу йил 500 тонна картошка ва 650 тонна полиз маҳсулотлари етказишга ҳам аҳд қилдилар. Далаларда эртанги сабзавот экишга киришилди. Ж. Ўринбоев, А. Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригада сабзаватқорлари бир гектар ерга редиска, 15 гектар ерга пиёз экишди.

Парникларда карам, помидор ва бақлажон кўчатлари етилиб қолди. Колхозда бу йил теплица хўжалиги бунёд этилади.

Н. МИРЗАЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Расмий ахборот

А. А. ГРЕЧКО ТОШКЕНТДА

Ҳиндистон мудофаа министри Сваран Сингхнинг таклифига биноан расмий визит билан Дехлига борааётган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко Тошкентда қисқа муддат тўхтади.

Аэропортда А. А. Гречкони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаханов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, А. А. Хўжаев, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев кутиб олдилар.

А. А. Гречко В. И. Ленин ҳайкали супасига гулдасталар қўйди, дўстлик хиёбонида дарахт кўчати ўтказди.

А. А. Гречко 24 февраль эрталаб Тошкентдан Дехлига жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Ҳиндистон мудофаа министри Сваран Сингхнинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко 23 февралда расмий визит билан Дехлига жўнаб кетди.

Аэродромда Гречкони граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосарлари Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский ва армия генерали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали С. Л. Соколов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари кузатиб қолишди.

* * *

Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Петр Младенов қисқа муддатли дўстлик визити билан 24 февралда Москвага келди.

БХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида П. Младеновни ва унинг ҳамроҳларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

ВОЛГОГРАД, 23 февраль. (ТАСС мухбири). СССРда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Гвинея-Бисау Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси бугун Волгограддан жўнаб кетди. Делегацияга республика давлат комиссарлари кенгашининг Бош комиссари (ҳукумат бошлиғи), Гвинея ва Яшил Бурун оролларида мустақиллиги Африка партияси раҳбарлигининг аъзоси Франсиско Мендес бошчилик қилмоқда.

* * *

ЛЕНИНГРАД, 23 февраль. (ТАСС мухбири). Франсиско Мендес бошчилигидаги Гвинея-Бисау Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси бугун Нева соҳилидаги шаҳарга келди. Меҳмонларни КПСС Ленинград область комитетининг секретари Б. С. Андреев, Ленинград Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. А. Гоголев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Делегация шу куни «Аврора» крейсерида бўлди. Меҳмонлар давлат эрмитажининг коллекцияларини ҳам томоша қилдилар.

ЁШ ИЖОДИЙ ЗИЁЛИЛАРГА — ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

24 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика ижодий союзлари правлениеларининг қўшма пленуми бўлди. Пленумда ёш санъаткор зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш билан боғлиқ бўлган кўп масалалар муҳокама қилинди. Пленумда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов доклад қилди.

Қўшма пленум қатнашчилари ёш адиблар, артистлар, рассомлар, композиторлар, архитекторлар, кинематографиячилар ва журналистларнинг коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар. Ёш ижодий зиёлилар билан олиб борилаётган иш қандай аҳволда эканлигини танқидий таҳлил этдилар. Амалий таклифлар киритилди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши комсомол билан ижодий союзларнинг ҳамкорлигини янада кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Қўшма пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Ёш санъаткор зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш юзасидан 1975—1976 йилларга мўлжалланган ва бригаликда амалга ошириладиган тадбирлар плани тасдиқланди.

Ёш рассомлар, архитекторлар, фотожурналистларнинг асарлари виставкалари қўшма пленумга бағишланди. Ёшлар фильми ҳафталиги ўтказилди, концерт уюштирилди. Бу концертда ёш композиторларнинг асарлари ижро этилди.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

Сирдарё районининг чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий иш билан жавоб қайтариб, давлатга сут, тухум, жун ва пилла сотиш беш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 4 йил мобайнида ва 1975 йилнинг январь ойида беш йиллик планда белгиланган 4934 тонна ўрнига 4947 тонна гўшт топширилди. Сут сотиш юзасидан беш йиллик топшириғи 102 процент, тухум 120 процент, жун 193 процент, пилла 101 процент бажарилди.

Давлатга сотиладиган ҳар бир бош қора молнинг ўртача вазни район бўйича ўрта ҳисобда 538 килограмм, чўчқа вазни 122 килограмм бўлди, ҳар бош соғин сигирдан бултур 3223 килограмм сут соғиб олинди.

«Малик» тажриба хўжалиги, Ильич номли, «Ленинград», Ленин номли, «Правда», 1 Май номли, «Коммунизм» колхозлари фермаларининг меҳнатчилари чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Район чорвадорлари Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 30 йиллиги шарафига вахтада туриб, тўққизинчи беш йиллиннинг якунловчи йилида давлатга беш йиллик пландан ташқари 683 тонна гўшт, 6800 тонна сут, 2200 минг дона тухум, 30 тонна жун, 700 центнер пилла сотиш мажбуриятини олдилар.

ХАЛҚЛАРНИНГ ТУБ МАНФААТЛАРИГА ЗИД ҲАРАКАТ

Ҳозирги халқаро тараққиёт жараёнидаги кучлар нисбатининг социализм, революцион озодлик ҳаракатлари фойдасига тубдан ўзгарганлиги билан белгиланади. Бу тараққиёт Совет Иттифоқи, қардош социализм мамлакатларининг, барча антиимпериалистик кучлар тинчликсевар сиёсатининг актив таъсири билан содир бўлмоқда.

Тараққийпарвар инсоният ленинчи партиямизнинг тинчликни, халқлар озодлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги ғоят буюк фаолиятига, КПСС XXIV съезди илгари сурган тарихий Тинчлик программасига юксак баҳо бермоқда. Бу Программани партия Марказий Комитети, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси изчиллик билан амалга оширмоқда.

Халқаро муносабатларда кескинликнинг юмшаб бораётганлиги замонамизнинг ҳукмрон тенденцияси бўлиб қолмоқда. Халқларнинг қимматли ютуғи бўлмиш тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш — озодлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг зарур шартидир. Айни вақтда жаҳонда агрессив, реакцион кучлар ҳаракат қилмоқда. Улар ана шу ижобий жараёнларни ўз ниятларини амалга ошириш йўлидаги ғов деб билиб, бу жараёнларга қаршилик кўрсатмоқда.

Икки системанинг бир-бири билан олиб бораётган ана шу тарихий курашида маочилар раҳбарлиги агрессив империалистик доиралар томонига ўтди. Мао Цзе-дун гуруҳи Хитой Халқ Республикасининг тузилиши учун асос бўлган революцион принципларга, Хитой Халқ Республикасининг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ҳамда ҳамкорлигига хиёнат қилиб, ўз сиёсатида гегемончилик, экспансиячилик интилишларига амал қилмоқда.

Маонизм идеологияси ва сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у Хитойдаги халқ революцияси идеалларига, пролетар интернационализми ишига хиёнатини сохта ўта революцион гаплар билан ниқобламоқда. Аммо замон Пекин раҳбарларининг сўзи билан ишлари ўртасидаги жуда катта тафовутни, уларнинг сиёсий инқирози ғоят чуқур илдиз отганлигини тобора фош қилиб ташламоқда.

I.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессияси якунлари муносабати билан маочилар матбуоти авж олдириб юборган пропаганда кампанияси, шунингдек Пекиннинг халқаро майдондаги амалий фаолияти ҳам маочилар гуруҳи ўзининг халққа қарши қаратилган ва халқаро вазиятни кескинлаштиришни кўзда тутган йўлига ҳануз амал қилаётганлигини исбот этади.

Бу ҳол ҳозирги даврнинг уруш ва тинчлик проблемаси каби энг асосий проблемасида Пекин раҳбарларининг тутган позициясида жуда яққол намоён бўлмоқда. Бу проблема жаҳон сиёсатининг ҳамма масалаларини ўз ичига олганлиги яққол кўриниб турибди. Мао Цзе-дун ва унинг теварагидаги кишилар ана шу асосий масалада инсониятнинг тўб манфаатларига тамомила зид бўлган позицияни эгаллади. Улар янги жаҳон урушининг бўлиши муқаррар эканлигини исбот қилишга уринмоқдалар. Улар бу уруш социалистик революция иши учун «фойдали» деб даъво қилишдан ҳам қайтмадилар. Мао Цзэ-дун 1957 йилдаёқ учинчи жаҳон уруши бўлишини башорат қилиб, «тасалли бериш» учун бундай деган эди: «инсониятнинг ярми қириб ташланадиган бўлса, унинг яна ярми қолади, бунинг эвазига империализм бутунлай йўқ қилиб ташланади ва бутун дунёда фақат социализм қолади»... Мао шундан бир йил ўтгач, Хитой Коммунистик партияси VIII съездининг иккинчи сессиясида (1958 йил) ана шу ваҳшиёна ғояни ривожлантириб, бундай деди: «инсониятнинг ярми урушда ҳалок бўлар экан, бунинг аҳамияти йўқ. Инсониятнинг учдан бир қисми сақланиб қолганида ҳам бу даҳшатли бир нарса эмас. Орадан бир неча йиллар ўтгач, аҳоли яна кўпаяди. Мен шу хусусда Неру билан гаплашган эдим. Неру бунга ишонмади. Атом уруши ҳақиқатан ҳам бошланадиган бўлса, бу чакки иш бўлмайди. Уруш натижасида капитализм ҳалок бўлади, ер юзида мангу тинчлик тантана қилади». Пекинда ана шу концепция руҳида халқларга таълим беришга кўп марта уриниб кўрдилар ва бундай йўл гўё «минг марта юксакроқ цивилизация»ни вужудга келтиришга олиб боради, деб даъво қилдилар.

Ҳозирги вақтда Пекинда янги жаҳон урушининг муқаррар эканлиги ҳақида, халқаро вазиятнинг шу йўлдан ривожланиб бориши «халқлар учун яхши оқибат келтиражаги» тўғрисида яна гап сота бошладилар.

Пекин Хитой Коммунистик партиясининг X съездидан кейин уруш пропагандасини айниқса кучайтириб юборди. Бу съездда шундай таъбир илгари сурилди: «Кескинликнинг юмшатилиши — муваққат ва юзаки бир нарса, жуда катта тартибсизлик бундан буён ҳам давом этаверади. Бундай катта тартибсизликлар халқлар учун ёмон иш бўлмай, яхши ишдир». Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сессиясида кескинликни юмшатиш мутлақо «амалга ошириб бўлмайдиган» бир нарса деб эълон қилинди. Чжоу Энь-лай очиқ-ойдин фактларга хилоф суратда, бундай деб даъво қилди: «Жаҳоннинг ҳамма қисмида кескинликни юмшатиш ҳақида ва тинчлик тўғрисида гапирар эканлар, бу нарса шу жаҳонда кескинлик юмшаб бормаётганлигини исбот қилади». ХХР ҳукуматининг бош министри халқаро кескинликни юмшатиш фойдасига лом-мим ҳам демади. Бунинг устига сессиянинг ҳужжатларида ҳатто тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш зарур эканлиги тилга ҳам олинмади. Аввалги конституцияда (1954 йил) тинчлик ва тараққиёт каби олижаноб иш учун кураш ХХРнинг ўзгармас йўли, деган қонда бор эди. Бу қонда янги конституциядан чиқариб ташланди. Бунинг ўрнига конституцияда Маонинг «урушга тайёр туриш керак», «туннелни чуқурроқ қазиш, донни кўпроқ запас қилиш керак» деган даъвати беҳаёлик билан такрорланади. Шу тариқа, маочиларнинг хатарли концепцияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. ХХРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳуқуклари тикланганидан кейин маочилар дипломатияси қуролланиш пойгасини қисқартиришга, қуролсизланишга, термоядро урушининг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ташаббусга путур етказишга уриниб кўриш учун, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга туҳмат қилиш учун, халқлар ўртасида адоватни кучайтириш учун БМТ минбаридан фойдаланиб келмоқда.

Буларнинг ҳаммасини эътиборга олганда, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси сессиясида Пекиннинг «тинч-тотув яшашнинг беш принципи асосида барча мамлакатлар билан муносабат ўрнатиш ва уни ривожлантириш»га тайёр эканлиги ҳақида айтилган гаплар сиёсий лўттибозликдан бошқа нарса эмас эканлиги аён бўлиб қолади. Маочилар тинч-тотув яшашни халқлар ва давлатлар билан дўстлик ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳамкорликни ривожлантириш маъносида эмас, балки принципсиз найранг ишлатиш, энг реакцион империалистик кучлар билан иттифоқ тузиш маъносида талқин этадилар. Улар ўзларининг жуда хатарли ва жуда ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун шундай қилмоқдалар.

Урушга қаратилган ана шу йўлни ёки аниқроқ қилиб айтганда, маочиларнинг жаҳонни термоядро ҳалокати гирдобига ташлаш йўлидаги интилишини нима билан изоҳласа бўлади? Маочилар сессияда ўзлари учун бошқа прогнозни, яъни Хитойнинг шу аср охирига бориб «жаҳондаги мамлакатларнинг олдинги сафларидан» жой олишини кўзда тутганликларини эътиборга олганда, улар бошқа халқларни бахтсиз қилиб, ўзларини юксак даражага кўтаришни истайдилар, деган хулосани чиқармай илож йўқ.

Мао Цзэ-дун ва унинг теварагидаги кишилар ана шундай ташқи сиёсий йўлни асослаб бериш учун халқаро майдонда кучларнинг жойланишини сурбетларча бузиб тасвирлайдилар. Улар барча давлатлар «уч дунё»га бўлинган: АҚШ ва ССР—«биринчи дунё», Осиё, Африка, Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар — «учинчи дунё», тараққий этган мамлакатлар — «иккинчи дунё» деб даъво қиладилар.

Мао гуруҳи социалистик системанинг мавжудлигини тамомила инкор этиб, иғвогарлик мақсадида социалистик давлатларни, барча «уч дунё»га мансуб қилиб кўрсатади ва уларни бир-бирларига қарши қўйишга уринади. Бу схема реал воқеликка, марксизм-ленинизмга тамомила зиддир.

Маочиларнинг раҳбарлари шундай усулни қўллаб, ССР билан АҚШ иккита «ўта буюк давлат», гўё бутун жаҳонни ўзаро бўлиб олишга интилмоқда, деб исбот қилишга уринадилар. Маълумки «ўта буюк давлатлар» тўғрисидаги фикр Ғарбда пайдо бўлган эди. Пекинда эса, аввало, Ленин ватани, Улуғ Октябрь ватани, тинчлик ва социализм таянчи бўлган Совет Иттифоқига туҳмат қилиш, уни агрессив куч ролини бажарувчи мамлакат қилиб кўрсатиш, «совет хавфи» тўғрисидаги сохта афсонадан тинчликка душман бўлган мақсадларда фойдаланиш учун ана шу фикрни ишга солдилар. Маочи раҳбарлар чайқовчиларнинг пропагандасини такрорлаб, ССРга нисбатан «социал-империализм» деган туҳматчиликдан иборат тамғани босмоқчи бўлиб уринадилар. Бундан мақсад — Хитой халқи орасида ва бошқа халқлар орасида Ватанимизга қарши кайфиятларни уйғотишдир. Кейинги вақтларда Пекин пропагандаси совет халқи шаънига, Коммунистик партиямиз шаънига ғаразли уйдирмаларни тўқишда жуда маккорлик билан иш кўрмоқда. Чжоу Энь-лай айтдики, халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сессиясида АҚШ билан СССР «янги жаҳон урушининг ўчоғидир. Улар ўртасидаги шиддатли кураш эртами, кечми жаҳон урушига олиб келади». Бу гап ҳозирги Хитой ҳукмдорларининг Совет Иттифоқи ва АҚШ халқларини термоядро урушида тўқнаштиришни кўзда тутган, макрли ниятларини фош қилиб ташлайди.

Бундай ниятларнинг борлиги сезилмай қолмайди, шу жумладан, АҚШда ҳам сезилмай қолмайди. Чунончи «Нью-Йорк таймс» газетаси Чжоу Энь-лайнинг халқ вакиллари Умумхитой мажлиси сессиясида сўзлаган нутқига баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Пекиннинг стратегияси «ўзининг асосий душманлари» — Совет Иттифоқи билан Ғарбни «снёсий жиҳатдан Хитойга наф келтирган ҳолда бир-бирини қириб ташлаш урушн»га жалб этишдан иборат».

СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда рўй берган конструктив бурилиш ва ана шу муносабатларнинг ҳуқуқий тенглик, ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлидан ривожланиб бораётганлиги, ядро уруши хавфининг олди олинаётганлиги (бу эса бутун инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушади) Пекин раҳбарларини дарғазаб қилмоқда.

Шу билан бирга Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг иши тўғрисидаги докладда ХХРнинг СССР билан ва АҚШ билан муносабатларини ривожлантириш истиқболлари тамомила турлича баён қилинганлигини таъкидлаб ўтмай бўлмайди.

Чжоу Энь-лай ХХР билан АҚШ ўртасида туб ихтилофлар бўлишига қарамай, кейинги уч йил ичида улар ўртасидаги муносабатлар «анча яхшиланди» ва бундан буён ҳам яхшиланиши мумкин, деди. айни вақтда Пекин раҳбарлари «принципиал масалалар юзасидан» СССР билан бахслари узоқ вақт давом эттириш ниятида эканлигини билдирди, гарчи «бундай бахслар Хитой билан Совет Иттифоқи ўртасида нормал давлат муносабатларини сақлашга ҳалақит бермаслиги лозим», деб писанда қилинган бўлса ҳам ана шу ният борлиги изоҳ қилинди.

Мао гуруҳи пролетар интернационализмига содиқ эканлигини риёкорлик билан эълон қилиб, социалистик ҳамдўстликка қарши қўпорувчилик ишлари олиб бормоқда. Маочиларнинг «социалистик мамлакатлар билан жипслики мустаҳкамлаш» ҳақидаги ваъдалари осмонда муаллақ бўлиб қолмоқда, чунки улар шу гапларни айтганларида кимларни назарда тутганлиги аниқ бўлмай қолмоқда. Чжоу Энь-лай сессияда қилган докладида «социалистик мамлакат» деб тилга олган ягона мамлакат Хитойнинг ўзгинаси эмиш.

ХХР раҳбарлари социалистик давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига туҳмат тошини ёғдирмоқдалар, социалистик давлатлар халқаро майдонда тинчлик йўлида кўрсатаётган ташаббусларнинг ҳаммасини бузиб тасвирлашга интилмоқдалар. Пекин капиталистик мамлакатларнинг «умумий бозор»ини ҳар қандай йўллар билан қўллаб-қувватлаб, Узаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига қарши пропаганда кураши олиб бормоқда. Маочи ҳукмдорлар агрессив НАТО блокини актив қўллаб-қувватламоқдалар ва Ғарб матбуоти ёғганидек, Варшава шартномасига аъзо бўлган мамлакатларни «Хитой—Европа исканжаси»га олишга интилмоқдалар.

Ғарбий Германия реваншчиларининг Германия Демократик Республикасини ютиб юбориш ва Польшанинг ғарбдаги ерларини тортиб олиш, иккинчи жаҳон уруши якунларини қараб чиқишдан иборат ақмоқона ниятлари ХХРнинг расмий вакиллари томонидан маъқулланганлиги жаҳон социализми манфаатларига бевосита хавф туғдиради. Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сессияси тамом бўлиши биланоқ Пекинда муҳожир поляк ғазандалар эмиссари дабдаба билан кутиб олинганлиги каби фактни ҳам сурбетларча қилинган иғвогарликдан бошқа бир нарса деб талқин этиш мумкин эмас. Пекин раҳбарлари аннекциячилик ниятларига амал қилиб, доим иғвогарлик уюштирмоқдалар. шунингдек қўшни социалистик давлатларга қарши чегара иғволарини ҳам уюштирмоқдалар.

Пекининг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига нисбатан сиёсати ҳам худди шундай душманчилик руҳи билан суғорилган. Гегемонлик ғуруруига берилиб кетган Пекин раҳбарлари бу соҳада ҳам революцион ҳаракатни ривожлантиришнинг чин манфаатлари билан, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари билан ҳисоблашишни мутлақо истамаётганлигини намойиш қилдилар. Пекин Индонезияда, Малайзияда, Таиландда, Филиппинда компартияларга беҳаёлик билан хиёнат қилганлигини эсдан чиқариб бўладими? Мао ва унинг гуруҳи коммунистик ва ишчи партияларига қарши очиқдан-очиқ бузғунчилик ҳаракатлари йўлига ўтди, уларга қарши маочиларга тарафдор бўлган гуруҳларни тузиш йўлига ўтди, ҳар қандай авантюристлар ва ренегатлар ёрдами билан сиёсий жиҳатдан ғўр бўлган социал табақаларни, хусусан ёшларни издан чиқаришга ва улардан ўз мақсадлари учун фойдаланишга уринмоқда. Пекин ўнг доралар билан алоқа боғлашни ўзи учун фойдалироқ деб билган ҳолларда «сўл» гуруҳларни беҳаёлик билан ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Шу тариқа, Пекиннинг жаҳон социализмига, халқаро коммунистик ишчилар ҳаракатига нисбатан тутган сиёсати ўта кетган душманлик сиёсатидир. Бу сиёсат антикоммунизмга очиқдан-очиқ ёрдам бериш сиёсатидир.

II.

Пекиннинг пропаганда аппарати «Хитой — ривожланаётган социалистик мамлакат бўлиб, «учинчи дунё»га мансубдир» деб даъво қилади. Мао гуруҳи ривожланаётган ёш давлатларни алдаб, иғвогарлик мақсадида ўзини «ўта буюк гегемонизм»га қарши курашчи қилиб кўрсатиб, ўзини «учинчи дунё»нинг раҳбари деб таниришга интилмоқда.

Аммо халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг ҳужжатларида «Бутун дунёдаги мазлум халқлар ва мазлум миллатлар»ни қўллаб-қувватлаш тўғрисида жуда кўп ваъдалар берилса ҳам, Пекин раҳбарларининг сиёсий практикаси бунга тамомила зиддир.

Ривожланаётган мамлакатлар халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини ўзларининг мустақил миллий тараққиёти, иқтисодий қурилиши, социал тараққиёти учун муҳим шарт деб ҳисоблаётган бир пайтда маочилар раҳбарлиги бу мамлакатлар жаҳон урушига тайёрланишлари керак, деб талаб қилади ва «катта тартибсизликлар»ни ҳар хил йўллар билан мадҳ этади, ҳолбуки бор жойда эса, кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлишига актив ёрдам беради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари антиимпериалистик бирликни мустаҳкамлашдан, ўзларининг табиий иттифоқчиси — социалистик ҳамдўстлик билан тобора яқинлашишдан манфаатдор бўлган бир пайтда маочилар раҳбарлиги ана шу мамлакатлар Пекиннинг антисоциалистик йўли билан ҳамкорлик қилишлари керак, деб талаб этмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари янги мустамлакачиликнинг тугатилишидан, империалистик ҳарбий-сиёсий блокларнинг тарқатиб юборилишидан манфаатдор бўлган бир пайтда маочи ҳукмдорлар агрессия қуроли, мустамлакачилик қишанларини парчалаб ташлаган халқларга сиёсий ва иқтисодий тазйиқ қилиш қуроли бўлган ана шу блокларни қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

Пекиннинг сиёсатида ривожланаётган давлатларда Пекиннинг буюк давлатчилик-шовинистик ниятларини амалга ошириш қуроли сифатида фойдаланишга интилаётганлиги яққол кўзга ташланади. Хитой раҳбарларининг ривожланаётган мамлакатлардаги тараққийпарвар кучларни заифлаштириш ва бир-биридан ажратиб юборишга ҳамда бу мамлакатларни издан чиқариб, ўзларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаларидан четга тортишга қаратилган тадбирлари ана шу мақсадга бўйсундирилган. Пекин риёкорлик билан Хитой «ҳеч қачон гегемонликни даъво қилмайди, ҳеч қачон ўта буюк давлат бўлмайди», деб буни инкор этишга зўр бериб уринган сари Пекиннинг ана шу йўли аён бўлиб қола беради.

Аммо бу найранглар беҳуда найранглардир. Пекиннинг Бангладеш халқи миллий озодлик курашини бостириш йўлидаги уринишларда шармандаларча иштирок қилиши, Чили халқига нисбатан очиқдан-очиқ хиёнат қилиб, бу мамлакатдаги қонли фашист режимини қўллаб-қувватлаганлиги, Ҳиндистон ва Бирма ички ишларига сурбетларча аралашаётганлиги ва бу мамлакатларда реакцион унсурлар ҳамда сепаратчилар Хитойнинг пули ва қурол-яроғларидан шу вақтгача фойдаланиб келаётганлиги кейинги йиллардаги айрим фактларидангина иборат бўлиб, бу фактлар пекинлик «учинчи дунё дўстлари» ва «гегемончиликка қарши курашчилар»нинг ҳақиқий қиёфасини характерлаб беради. Пекиннинг Яқин Шарқдаги ҳарбий можаронн авж олдиришга, араб халқларини бир-бирларидан ажратиб юборишга қаратилган йўли ҳам Хитой раҳбарларининг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўтказиб келаётган сиёсати иккиюзламачиликдан иборат сиёсат эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берувчи мисолдир. Бу йўл амалда урушқоқ сионист доиралар билан ва уларнинг империалистик ҳомийлари билан тил бириктиришдан иборат.

Шарқий, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёда, шу жумладан Таиландда ва Жанубий Кореяда АҚШнинг ҳарбий кучларини сақлаб қолиш тўғрисида Пекин раҳбарларининг очиқдан-очиқ қилаётган даъвати империализмга ва янги мустамлакачиликка бевосита ёрдам беришдан бошқа нарса эмас. Маочилар келажакда Осиёда ва Африкада ҳом ашё манбалари ва бозорлари устидан контролликни империалистик монополиялар қўлидан тортиб олишга умид боғлаб, аммо бунинг учун ҳали етарли даражада кучли эмасликларини сезганлари ҳолда, ўзлари суқулиб киришни мўлжаллаган районларда маълум вақтгача «статус-кво»ни сақлаб қолишга, бу мамлакатларнинг халқларига ҳеч қандай ажнабийлар аралашувисиз, мустақил эркин ривожланиши ҳамда чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлишига имкон бермаслик учун интилмоқдалар.

Хитойга қўшни бўлган баъзи давлатларга келганда шуни айтиш керакки, маочилар гуруҳи бу давлатларни ҳар жиҳатдан тазйиқ қилиш ва шантаж методини қўллаб рўй-рост босиб олишга қадар уларнинг ички ишларига аралашишга аллақачонлардан бери ҳаракат қилиб келмоқда.

Ҳиндистоннинг тинчликсевар сиёсатини обрўсизлантириш ва унга нисбатан бўлган территория даъволарини амалга ошириш мақсадида ХХР раҳбарларининг Хитой билан Ҳиндистон чегарасида низо бошлағанликлари ҳаммага маълум. Ҳиндистон парламентининг депутати Бхушан маочи раҳбарларнинг кейинги бир қанча экспансиячилик ҳаракатларини изоҳлаб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: «Хитой жануб томонга оид экспансиячилик ниятларидан воз кечгани йўқ. Пекин вақти-вақти билан ҳариталар нашр этиб, Непал, Сикким, Бутан, Ассам, Бирма, Андами ороллари, Малайзия, Таиланд, Корея, Вьетнам, Лаос, Камбоджани, Сулу ва Рюкю ороллларини ана шу ҳариталарда ХХР составига қўшиб қўйётганлиги шундан далолат бермоқда, Маонинг шу хусусдаги маълум гаплари мана шундай ҳариталарда ўз ифодасини топмаяптимикин?

«Учинчи дунё»га гегемонлик қилиш, қўшни давлатлар ҳисобидан янги территорияларга эга бўлиш орзуси Пекиннинг Осиёда коллектив хавфсизлик ғоясига жон-жаҳди билан қарши чиқаётганлигининг асосий сабабларидан биридир.

III.

Пекин ҳукуматининг ҳозирги бошлиқлари ўзларининг буюк давлатчилик-гегемончилик ниятларини қисман ўзгартирган шаклда, ўзлари «иккинчи дунё» деб атаган баъзи ривожланган давлатларда ҳам кейинчалик амалга оширмоқчи бўладилар. Аммо Пекин ҳозиргдаёқ мазкур давлатларнинг таклиф этилмаган маслаҳатгўйи ва ҳомийсига айланиб қолмоқда. Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси сессиясида «иккинчи дунё мамлакатлари ва халқларининг ўта буюк давлатлар контроллигига, дўқ-пўписа ва менсимаслигига» қарши курашини, шунингдек, «Ғарбий Европа мамлакатларининг бу курраш билан бирлашиш йўлидаги ҳаракатини» қўллаб-қувватлаш тўғрисида қурук ваъдалар берилди. Бу ерда ҳам Пекиннинг Ғарбий Европа ва Япониядаги реакцион милитаристик-реваншчи кучлар билан блок тузиши тўғрисида, капиталистик давлатларни Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши гиж-гижлатишга уринишу тўғрисида бораяпти. Маочи раҳбарлар жаҳон социализми мухолифларининг қандайдир бирлашган фронтини тузмоқчи бўладилар. Хитойда Советларга қарши васваса бир неча йил давомида «шимолдан хавф» деган иғвогарлик уйдирмалари асосида олиб борилди. Пекин раҳбарлари бирданига бу кампаниянинг йўналишини ўзгартириб юбордилар: энди улар «Совет Иттифоқи Шарқда сохта хавф туғдириб, зарбани эса Ғарбга урмоқчи» деб даъво қила бошладилар.

Бу ўзгариш тасодифий эмас, бу ҳол Европада якши қўшничилик ва бир-бирига ишонч муносабатлари қарор топаётган, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш бу қитъанинг чинакам тинчлик зонасига айланиши учун реал имконият борлигини билдирган бир пайтда юз берди. Аммо бундай истиқбол ҳозирги Пекин раҳбарларига сира ҳам ёқмайди ва улар энди шошиб-пишиб ўзларини Ғарбий Европани «совет агрессияси»дан ҳимоячи қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Аммо бу иғвогарлик найранглари биринчи марта бўлаётгани йўқ. Худди мана шу «совет хавфи» деган шовқин-сурон остида империалистик кучлар НАТО, СЕНТО, СЕАТО сингари агрессив блокларни тузган эдилар. Лекин Пекиннинг Европани «совуқ уруш» даврига қайтариш, ҳатто бунинг устига ўзларининг Советларга қарши найранглари учун Ғарбий Европа мамлакатларидан фойдаланиш йўлидаги уринишлари халқлар оммаси томонидан ҳам, шу мамлакатларнинг реал фикр юритувчи сиёсатдонлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмаётганлиги табиийдир. Мана шунинг учун ҳам Пекин раҳбарлари энг реакцион, милитаристик, реваншчи кучларга суяниб, келажакда уларнинг ҳокимият тепасига чиқишига умид боғламоқдалар.

Англия консерваторлари сайловларда мағлубиятга учраши билан маочи раҳбарлар Пекинда уларнинг собиқ раҳбари Хитни иззат-икром билан қабул қилдилар ва бу сиёсатдоннинг Англия халқи билан келиша олмаган масалалари хусусида у билан иқдилликка эришишга уринди кўрдилар.

Маочилар ҒФРда ўта ўнг унсурлар билан алоқаларини тез ривожлантириб, яқинда христиан-социал иттифоқ раиси Штраусни Пекинда фақат давлат бошлиқларигина муяссар бўла оладиган иззат-ҳурмат билан қабул қилдилар. У билан энг олий даражада суҳбат олиб борилди. У армия билан, ҳарбий иншоотлар билан таништирилди ва бу ишларнинг ҳаммаси Умумевропа кенгашини барбод этиш, НАТОни активлаштириш, Европада урушдан кейинги чегараларни қайтадан кўриб чиқишга уриниш учун унинг сиймосида иттифоқчига эга бўлиш мақсадида қилинди. Буларнинг ҳаммаси шу даражада иғвогарлик руҳида амалга оширилдики, бундай ҳаракатлар Европа жамоатчилигини ғазабга келтирди. ҒФРнинг ўзида сиёсий жанжал келтириб чиқарди. ҒФРда Пекин раҳбарларининг бу ҳаракатларига ҳақли равишда ҒФРнинг ишларига аралашиш деб баҳо берилмоқда.

Хитой раҳбарларининг Японияга нисбатан қилаётган найранглари ҳам худди шундай иғвогарликдан иборатдир. Бундан бир неча йил муқаддам Пекин Японияни Америка билан тузган «хавфсизлик шартномаси»ни бекор қилишга даъват этган бўлса, энди ХХР давлат кенгашининг бошлиғи ҳукмрон либерал-демократик партия арбоби С. Хори билан қилган суҳбатида рўй-рост Японияни «ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш»га ва АҚШ билан ҳарбий иттифоқини кучайтиришга чақиради. Японияда Пекиннинг Совет—Япония муносабатларини мураккаблаштиришга, уни СССРга қарши душманчилик йўлига тортишга уринишлари тўғрисида ҳақли равишда ташвиш билдириб айтилган сўзлар эшитилмоқда.

Шубҳасиз, Пекин «учинчи дунё»»ни, Европани ёки Американи севганлиги учун Пиночет, Штраус ва шулар сингари иттифоқчиларини танлаётгани йўқ. Маочи раҳбарлар улардан тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига қарши қўпорувчи тўда сифатида фойдаланмоқчи, уларнинг ёрдами билан инсониятни тез ҳалокатга учратиш, ер юзидаги ҳаётни ер ости ядро урушига тортиш, ер юзидаги ҳаётни ер ости ядро урушига тортиш, ер юзидаги ҳаётни ер ости ядро урушига торт

— Якунловчи йилда гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштирамиз!

Тошкент область Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз пахтакор-механизаторларининг шиори ана шундай. Улар ўтган йили хўжалик бўйича ҳосилдорликни 40 центнерга етказишган эди. Бу йил янада катта марраларни кўзлаб, кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўришяпти. 22 чопиқ трактори, 16 та экиш сеялкаси, 60 та борона ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси муддатидан илгари ремонт қилиб қўйилди. Суратда: (чапдан) илғор бригада бошлиғи А. Нурматов, (ўнгда) колхоз устахонасида кўклам га шай қилиб қўйилган техника.

А. Тўраев фотолари.

Хўжалик раҳбарлари диққатига

САРАЛАНГАН УРУҒЛИК ТАЙЁРЛАЙЛИК

Республикамиз ғаллакорлари якунловчи йилда 2 миллион 350 минг тонна дон тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Бу юксак социалистик мажбуриятни бажариш кўп жиҳатдан ва асосан эҳтиёжга яраша сараланган уруғлик тайёрлашга боғлиқдир. Кўпчилик хўжаликларда бу борада катта ишлар қилинди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент областининг қатор шоликор хўжаликлари ўзларининг эҳтиёжи учун зарур бўлган уруғлик шолини барвақт тайёрлаб, экишга шайлаб қўйдилар. Андижон, Наманган ва Самарқанд областларининг колхоз ва совхозларида баҳорда экиш учун етарли миқдорда сараланган беда уруғи жамғарилди ва тозалаб қўйилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу областларда тайёрланган беда уруғининг 62-80 процепти экиш стандартининг биринчи ва иккинчи класс талабларига мос келади.

Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари ҳам беда уруғини етарли ғамлаб олиб, экиш учун тозалаш ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ кўпчилик колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ўз хўжаликларининг эҳтиёжи учун зарур бўлган уруғликларни жамғариш ва тозалаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар, айни кезда саноқли кунлардан кейин уруғ ерга қадалишини унутаётирлар. Андижон областида эҳтиёжнинг бор-йўғи 5 процентини қоплайдиган миқдорда шоли уруғи жамғарилди холос. Фарғона областида аҳвол бундан ҳам ёмон. Наманган ва Сирдарё областларида бу борада сусткашликка йўл қўйиляпти.

Шоликор хўжаликлар раҳбарларининг муҳим вазифаси уруғлик, шолини тезкорлик билан тозалаб қўйилишини таъминлашдан иборат. Афсуски, Хоразм, Сурхондарё ва Сирдарё областларида шоли уруғини кондиция даражасига келтиришда арзирлик иш қилинмаяпти, белгиланган планлар 18-23 процент бажарилганича турибди.

Ҳамма областларда уруғлик шоли тозалаш машиналари етарли даражада бўлгани ҳолда, улардан самарали фойдаланилмаяпти. Сирдарё областида мавжуд 17 машинадан атиги 6 таси ишлатилиб, қолганлари бекор турибди. Сурхондарё области хўжаликларида ҳам 60 процентдан кўпроқ машиналар қувватидан мутлако фойдаланилмаяпти. «Қарақалпақирсовхозстрой» ва Тошкент области хўжаликларида машиналарни унумли ишлатиш чоралари кўрилмаяпти.

Республикамизда шоликорликка ихтисослаштирилган совхозлар йилдан-йилга кўпайяпти, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Давлатимиз шоликор совхозларга хилма-хил техника воситалари етказиб беряпти. Аммо, хўжалик раҳбарларининг айби билан ана шу машиналар қувватидан тўла фойдаланилмаяпти. Ал-Хоразмий номли, «Боғот», «Янгариқ», «Искра», «СССР 50 йиллиги» ва бошқа айрим совхозларда шоли уруғини аллакачонлар тозалаб қўйиш учун ҳамма имкончятлар бўлгани ҳолда, бу муҳим ишга ҳамон киришилгани йўқ.

Пахта-беда алмашлаб экиш кенг жорий этилиши муносабати билан беда уруғига бўлган талаб ошиб бормоқда, айни кезда хўжаликларнинг ўзида етарли миқдорда сараланган беда уруғи жамғариб олиш имконияти яратилмоқда. Бироқ кўпчилик областларда беда уруғи жамғариш, уни тозалаш ишлари пайсалга солинмоқда. Жиззах областида жамғарилган 310 тонна беда уруғидан атиги 44 тоннасини кондиция даражасига келтирилганини қандай баҳолаш керак? Тошкент областида ҳам манзара бундан яхши эмас.

Кейинги кунларда Сирдарё области хўжаликларида беда уруғини тозалаб, кондиция даражасига келтириш бўшаштириб юборилди. Оқибатда область бўйича 10 кунда 7 тонна беда уруғи тозаланди, холос.

Қорақалпоғистон АССРда 55 та электромагнит машина бор. Улар ишга туширилса, тез кунда, қисқа фурсатда уруғликни тозалаб, экишга шайлаб қўйиш мумкин. Афсуски, шунча машинадан 28 таси хали ишга туширилмай бекор турибди. Шунинг учун ҳам уруғликни тозалаш кунлик графиги лоақал эллик процент атрофида ҳам бажарилмаяпти. Омборларда сақланаётган мавжуд уруғни вақтида тозаламай фурсатни қўлдан бой бериш экин-тикин ишларини барвақт ва сифатли ўтказишга ҳалақит бермасмикин? Бу ҳақда Хоразм области колхозлари ва совхозларининг раҳбарлари ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрсалар яхши бўлар эди.

Ғаллакор хўжаликларда баҳорикор экинларнинг уруғи етарли миқдорда жамғарилди ва сараланди. Бу ишда қишлоқ хўжалик мутахассислари катта ташкилотчилик ишлари олиб бордилар. Сараланган уруғ — юқори ҳосил гарови. Шундай экан, баҳорда экиладиган буғдой, арпа ва бошқа экинлар уруғини кўз қорачиғидай сақлаш, ифлосланиши, қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан зарарланишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Паст сифатли уруғлик ўрнини юқори сифатли уруғлик билан тўлдириб қўйиш шу куннинг сира кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Бутун тадбирларни қўллаб, шу кунларда баҳорикор экинлар уруғини экишга тайёрлаб қўйайлик!

Кўпчилик хўжаликлар эҳтиёждан ортиқ шоли ва беда уруғига эга. Шу сабабли давлат томонидан ажратилган дон-дуккакли экинлар уруғини вақтида ташиб олмаяпти. Даҳлдор ташкилотларнинг раҳбарлари имкониятларни ҳисобга олиб, эҳтиёждан ортиқча уруғликларни эҳтиёжи бор хўжаликларга бериш чораларини кўришлари керак.

Хўжаликларнинг раҳбарлари «Узсельхозтехника»нинг жойлардаги органлари ходимлари билан ҳамкорликда ҳамма маркадаги уруғлик тозалаш машиналарини тўла ишга туширишга, юқори унум билан ишлатиш тадбирларини амалга оширишлари талаб этилади. Уруғлик тозалаш пунктларида иш икки сменада ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Вазиятни ҳисобга олиб, ҳар бир хўжаликда уруғлик тайёрлаш звенолари ёки группалари ташкил этиш, етарли ишчи кучи ва техника воситалари ажратиш катта аҳамиятга эгадир. Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Давлатимиз шоликор совхозларга хилма-хил техника воситалари етказиб беряпти. Аммо, хўжалик раҳбарларининг айби билан ана шу машиналар қувватидан тўла фойдаланилмаяпти. Ал-Хоразмий номли, «Боғот», «Янгариқ», «Искра», «СССР 50 йиллиги» ва бошқа айрим совхозларда шоли уруғини аллакачонлар тозалаб қўйиш учун ҳамма имкончятлар бўлгани ҳолда, бу муҳим ишга ҳамон киришилгани йўқ.

Кўпчилик хўжаликлар эҳтиёждан ортиқ шоли ва беда уруғига эга. Шу сабабли давлат томонидан ажратилган дон-дуккакли экинлар уруғини вақтида ташиб олмаяпти. Даҳлдор ташкилотларнинг раҳбарлари имкониятларни ҳисобга олиб, эҳтиёждан ортиқча уруғликларни эҳтиёжи бор хўжаликларга бериш чораларини кўришлари керак.

Хўжаликларнинг раҳбарлари «Узсельхозтехника»нинг жойлардаги органлари ходимлари билан ҳамкорликда ҳамма маркадаги уруғлик тозалаш машиналарини тўла ишга туширишга, юқори унум билан ишлатиш тадбирларини амалга оширишлари талаб этилади. Уруғлик тозалаш пунктларида иш икки сменада ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Вазиятни ҳисобга олиб, ҳар бир хўжаликда уруғлик тайёрлаш звенолари ёки группалари ташкил этиш, етарли ишчи кучи ва техника воситалари ажратиш катта аҳамиятга эгадир. Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти. Давлатимиз шоликор совхозларга хилма-хил техника воситалари етказиб беряпти. Аммо, хўжалик раҳбарларининг айби билан ана шу машиналар қувватидан тўла фойдаланилмаяпти. Ал-Хоразмий номли, «Боғот», «Янгариқ», «Искра», «СССР 50 йиллиги» ва бошқа айрим совхозларда шоли уруғини аллакачонлар тозалаб қўйиш учун ҳамма имкончятлар бўлгани ҳолда, бу муҳим ишга ҳамон киришилгани йўқ.

Пахта-беда алмашлаб экиш кенг жорий этилиши муносабати билан беда уруғига бўлган талаб ошиб бормоқда, айни кезда хўжаликларнинг ўзида етарли миқдорда сараланган беда уруғи жамғариб олиш имконияти яратилмоқда. Бироқ кўпчилик областларда беда уруғи жамғариш, уни тозалаш ишлари пайсалга солинмоқда. Жиззах областида жамғарилган 310 тонна беда уруғидан атиги 44 тоннасини кондиция даражасига келтирилганини қандай баҳолаш керак? Тошкент областида ҳам манзара бундан яхши эмас.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Совет Иттифоқининг янги теплоходи «30 летие Победы» деб аталади. Денгиз флоти министрлиги шундай деб қарор қилди.

Халқаро линияларда юк ташийдиган бу кемани Ленинградлик кемасозлар Жданов номли заводда қурая ётгилар. Кемасозлар уни барвақт сувга тушириш мажбуриятини олдилар. Буюк умумхалқ байрами шарафига ном қўйилган теплоход май ойида Балтикадан Узоқ Шарққа биринчи рейса чиқади. Узоқ Шарқ денгиз пароходчилиги ихтиёрида бўлади.

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАЛАРИ

Қопчағайда (Қозоғистон ССР) 240 ўринли замонавий касалхона шаҳарчаси фойдаланишга қабул қилиб олинди. Унда терапевтика, хирургия, стоматология бўлимлари, рентген, физиотерапевтика кабинетлари, лабораторялар, поликлиника бор.

Тўққизинчи беш йиллик бошланганидан бери Олмаота областида ўндан ошиқ янги қишлоқ даволаш-профилактика муассасалари қурилди. Баланд тоғликдаги Кеген район марказида қурилган шифохона ҳамда ёш «Бахбахтинский» шоликорлик совхозида қурилган шифохона шулар жумласидандир. Бу совхоз коллективи чўл чеккасида обкор деҳқончилик барпо этаётир.

ЛОЙИҲАДАГИ ҚУВВАТ ЧЕГАРА ЭМАС

Сумгаит хлорорганик маҳсулотлар комбинатида ишлаб турган мамлакатда катта сульфонол маҳсулоти лойиҳада кўзда тутилганидан беш процент ошиб кетди. Ҳолбуки, бу кўрсаткичга март ойида эришиш мўлжалланарди.

Химиклар синтетик кир ювиш порошокларининг ҳом ашёси бўлмиш сульфонол қоришмасини тайёрлаш процессини тамомила автоматлаштирдилар. Эндиликда асбоблар ҳом ашё сарфини ўлчаб, унинг таркибидаги моддалар берилишини ростлаб турибди. Бу нарса мақбул температура режимини доимо сақлашга имкон беради.

(ТАСС мухбирлари).

М. А. ШОЛОХОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БУЮК ЗАМОНДОШИМИЗ

Михаил Александровичнинг 70 йиллиги жаҳон халқлари учун илғор маданиятнинг катта байрами, биз ёзувчилар учун эса, бундан ташқари, яна ўзўзига ҳисобот ва маҳорат синови ҳамдир. Бизнинг давримизда аср билан, бутун кишилик билан тиллашиш маҳоратини ҳеч ким Шолохов қадар бадиий юксакликка кўтара олган эмас. У кишилик бадиий ривожида катта сифат ўзгаришига сабаб бўлган буюк санъаткорлардан бири. Унинг жаҳон адабиётига порлоқ ғоя, юксак тафаккур ва сўз санъати мўъжизалари билан нақадар кучли таъсир этаётганлигига замонамизнинг атоқли ёзувчилари иқрор бўлмоқдалар.

Бундан бир неча йил аввал Михаил Александрович Стокгольмга, Нобель мукофотини топшириш маросимига борган эди. Шунда у швед академиясида жаҳоннинг кўзга кўринган адиблари билан суҳбатда бўлди. Шу суҳбатда атоқли адиб, халқаро Ленин мукофоти лауреати Артур Лунквист шундай деган эди: «Мен адабиёт майдонига икки марта кирдим: Шолохов асарларини ўқиганимдан кейин, илгари ёзган ҳамма нарсаларимни ўчириб ташладим-да, ижодимни бошқатдан бошладим.

«Тинч Дон»ни ўқиганимда сюжет, конфликт, персонаж, адабий компонентлар бари ёдимдан кўтарилиб, кўз ўнгимда ҳаёт, фақат ҳаётнинг ўзи туриб қолди. Мен энди ёзувчи эмас, фақат китобхон эдим. Назаримда, бу эпопеяни бир киши эмас, бутун мамлакат ёзгандай эди.

Михаил Александрович бу асарни йигитлик чоғида ёзган. Шу ёшда бундай етуклик, бирдан классик бўлиб халқлар онгига кириб, ўрнашиб қолиш — кўрилмаган ҳодисадир».

Ҳақиқатан ҳам, Шолоховни ўқиган одам ижодни, адабиётни халқ тақдиридан, мамлакат ҳаётидан ажратиб, қарай олмайди. Унинг гражданлик руҳи ва беназир маҳорати, давримизнинг бутун илғор реалистик адабиётига қудратли таъсир кўрсатди. Шу кунларда, юбилей муносабати билан ҳамма адабиётчилар Шолохов ва ўз адабиётлари ҳақида ўйга толмоқдалар.

Бу муносабат билан биз ҳам ҳали кўп суҳбатлар қурамиз, мақолалар ёзамиз. Бу ишда Шолоховнинг айрим ёзувчиларгагина эмас, бутун-бутун миллий адабиётчиларга, хусусан ўз адабиётимизга устозлик таъсири ҳақида кўпроқ мулоҳаза юритишимиз керак.

Биз, албатта, ҳеч биримиз Михаил Александрович билан бевосита ёнма-ён ўтириб, унинг «ундоқ ёз, мундоқ ёз» деган маслаҳатларини тинглаган эмасмиз. Ижодда устоз ва шогирдлик бошқа қасбдаги устоз ва шогирдликка ўхшамайди, унинг ўзига хос хусуснятлари бор. Маълумки, одамни ёзувчи бўлишга ўргатиш мумкин эмас, уни ижод сирларининг биронтасидан хабардор қилиш учун у аввало ўзи қобилиятли ёзувчи бўлиши керак. Ижодда мактаб яратган адиблар, бизни бевосита ўргатмаган бўлсалар ҳам, ижодимизга ва бутун адабиётимизга таъсир қиладилар. Шолохов шундай санъаткорлардан. Дадил айтиш мумкинки, у ҳозирги замоннинг энг буюк адиби. Ҳозирги замоннинггина эмас, кўп замонларнинг, кўп халқларнинг буюк адиби бўлиб қолади. Шолохов мактабида бу буюк замондошимиздан биз нималарни ўрганамиз?

Аввало, албатта, эпик роман маҳоратини. Шолохов асарларида эпик қаҳрамоннинг шахсий ҳаёти — халқ тарихининг ўзидан иборат. Эсингиздадир, «Тинч Дон» Мелеховлар хонадонининг тасвиридан бошланади. Аксиньянинг ўлими устида Григорийнинг дард чекиши билан тугайди. Бир қарашда, шахсий масала. Лекин бу ирмоқ асарда буюк жилғали денгизларга бориб туташади: биз эпопеяда халқ тарихи, халқ тақдирини, революция тарихи ва тақдирини, Доннигина эмас, Петербургни, Корнилов фитнаси, революционерларнинг яширин фаолиятини, мамлакат ҳаёти ва бутун бир даврни кўрамиз.

Биз ўрганадиган яна бир нарса шуки, Шолохов ҳаётни бутун мураккаблиги, бутун шиддатли ҳақиқати билан олади. Мелеховнинг тўлганиши, азоб билан ҳақиқат излашлари шафқатсиз бир реалистик услубда берилади. Унда шекспирона фожиалар, антик трагедияларга хос шиддатли воқеалар, тасвирлар бор. Сиз бир лавҳани эсланг: мана Михаил Кошевой билан Григорийнинг онаси Ильинична ўтирибди. Кошевой Ильиничнанинг ўғли Пётрни ўлдирган. Қизини яхши кўради. Ўзи ўладиган бир ҳолатда яradор, оч судралиб келиб ўтирибди. Она уни қандай кутиши керак?

Бу мураккаб вазият лавҳасидаги сўзлар, диалоглар, деталлар шундай мудҳиш, психологик ҳаққонийки, бир умрга ёдингизда қолади.

Ёки Аксиньянинг ўлиги устида турган Григорий кўзига қуёшнинг қоп-қора бўлиб кўринишичи! Ўқиганда сизнинг ҳам кўзингизга даҳшатли қора қуёш кўриниб кетади.

Биз ўрганадиган муҳим нарсалардан бири шуки, ўқиганда сиз на Аксиньянинг, на Григорийнинг, на Кошевой ва на бошқа қаҳрамонларнинг боригоб ким бўлишини аввалдан ҳеч била олмайсиз. Улар ижобийми — салбийми, то асар ўқиб чиқилгунгача маълум эмас, сиз уни асар таъсирини идрок этиш вақтидагина ажратасиз. Бу образлар гоят мураккаб ва табиий. Улар ҳақиқат излайдилар. Агар ўлмасалар топар эдилар, деб дилингизда афсус қиласиз. Чунки, жуда кўп хато қилган, кўп жойда қон тўккан, гоҳо шафқатсиз, гоҳо меҳрибон бўлган бу шиддатли одамлар аслида ерни, меҳнатни, ҳаётни севувчи яхши одамлар эканини сезасиз.

Мен санаб бердим, ўрганадиган жиҳатларимиз беҳисоб. Лекин уларни бундай пунктмапункт санаб ўтиш билан иш битмайди. Уларнинг ҳар бирини ёзувчи бир умр таҳлил этиши, ўзи учун кашф этиши керак. Шолохов шундай улуғки, у ҳали бизгагина эмас, кўп авлодларга татийди.

Асқад МУХТОР.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

САМАРАЛИ ЯКУНЛАР

Чет элларнинг етакчи обзорчилари февраль ойининг ўрталарида Москвада олий даражада ўтказилган Совет—Англия музокараларини кейинги даврдаги энг муҳим воқеаларнинг бири, деб ҳисобламоқдалар. Бу музокараларнинг якунлари СССР билан Англия ўртасидаги муносабатларда янги босқич бошланганлигидан далолат беради ва айни вақтда, хусусан Европада тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшади. Англияда 1974 йилгача ҳокимият тепасида турган консерваторлар кейинги йилларда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилганлигини эътиборга олганида, шу нарсани қайд қилиб ўтиш гоят муҳимдир. Ана шу муносабатларнинг ривожланиши СССРнинг Ғарбий Европадаги бошқа йирик давлатлар билан муваффақиятли суратда ривожланиб бораётган алоқаларидан анча орқада қолган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев музокаралар бошланган чоғидаёқ халқаро кескинликни тобора юмшатиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини диққат марказига қўйишни таклиф этди.

Л. И. Брежнев билан Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон имзолаган Совет—Англия қўшма баёнотида ҳар икки давлат кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш, бу жараённи планетамизнинг ҳамма районларига ёйиш ва халқаро вазиятда рўй берган ижобий ўзгаришларни муқаррар давом эттириш мажбуриятини олди. Бу баёнот бир қанча масалаларда, жумладан Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг ишини олий даражада ва жуда қисқа муддатда тугаллаш хусусида ҳар икки томоннинг фикри бир-бирига яқин эканлигини акс эттиради.

СССР билан Англия ўртасидаги муносабатларни барқарор ва конструктив негизини барпо этиш, уларнинг кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтириш учун жавобгарлигини таъкидлаб ўтишга интилиш энг муҳим проблемалар юзасидан маслаҳатлашиб туриш тўғрисидаги махсус протоколда ўз ифодасини топди.

Москвада узоқ муддатга мўлжалланган икки программа иқтисодий ва саноат ҳамкорлигини ривожлантириш ҳақидаги ва фан ва техника соҳасида ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битимлар катта аҳамиятга эгадир.

Буларнинг ҳаммаси ўзаро манфаатдорлик асосида кенг кўламда алоқа боғлаш учун яхши истиқболлар очиб беради. Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси Британия саноатини инглиз машиналари ва ускуналарини етказиб бериш юзасидан Совет Иттифоқидан катта заказлар олишни кўзда тутиб, «янги имкониятлардан энг кўп фойдаланиш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўришга ҳаракат қилиш»га даъват этади. «Морнинг стар» газетасининг фикрича, бундай заказлар Англияда ишсизликка қарши кураш олиб боришга ёрдам берган бўлур эди. Аммо ўзаро манфаатли бундай ҳамкорликнинг яна бир томони бор. Ғарбий Германияда чиқадиган «Нойе Рейн-цайтунг» газетаси бундай деб ёзади: Совет корхоналари Англия саноатининг бир қанча тармоқларини модернизация қилишда қатнашади. «Кўмир қазиб чиқариш, металлургия ва нефть саноати, йўл қурилиши каби тармоқлар, — деб таъкидлайди газета, совет техникасини қўлланишдан жуда катта наф кўради».

Жаҳон жамоатчилиги Москвада ўтказилган музокаралар гоят самарали бўлди, деб баҳо бермоқда.

КИПР: НАТОНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

НАТО ҳарбий блоки Кипр ишларига аралашмаган тақдирда оролдаги ҳаёт нормал ва осойишта бўлур эди, деб дадил айтиш мумкин. Тарих тажрибаси оролдаги грек жамоаси билан турк жамоаси тинч ва дўст бўлиб яшаши мумкин эканлигини кўрсатиб турибди. Лондон греклар билан туркларни ўзаро жиққа муш бўлишга уринганлигига қарамай, улар Британия мустамлакачилик режимига қарши биргаликда кураш олиб бордилар. Улар бу курашда ғалаба қозондилар: 1960 йилда Кипр республикаси вужудга келди. Шундан кейин НАТО агентлари ҳар икки жамоадаги реакцион унсурларни бир-бирига қарши гиж-гижлатиб, миллий адоватни авж олдира бошладилар.

НАТО раҳбарлари авантюрист Н. Самсон бошчилигидаги грек фашистларини актив қўллаб-қувватлаганлигини эслатиб ўтайлик. Н. Самсон ўтган йилнинг ёз фаслида Кипрда давлат тўнтариши ясаб, оролни «қора полковниклар» қўл остидаги Грецияга қўшиб олишга уриниб кўрди. НАТО эндиликда турк жамоасининг оролнинг шимолидаги районларда «Кипр республикаси федератив турк давлати» деб аталган давлат тузилганлигини эълон қилган раҳбарларини қўллаб-қувватламоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, грек миллати билан турк миллати ўртасидаги можарони бартараф қилиш, ана шу жафокаш оролда тинчлик ва осойишталикни тиклаш тўғрисида хар икки этник гуруҳлар ўртасида музокаралар қизиб кетган бир пайтда ана шундай сепаратчилик ҳуружларига йўл қўйилди.

Шимолий Атлантика блокининг Кипрга нисбатан қилган ва ҳақиқатан ҳам разил тус олган фаолиятининг боиси нима? Бу саволга масалан, инглиз буржуазиясининг «Санди телеграф» газетасида босилган хабардан жавоб топиш мумкин. Бу газета яқинда НАТО штабларида Кипрнинг шимолида Пентагоннинг ҳарбий базасини вужудга келтириш масаласи муҳокама қилинмоқда, деб ёзди. Хуллас, Кипрни бўлиб юборишга қаратилган ҳар қандай йўл НАТОнинг айни муддаосидир. Бу оролда Ўрта ер денгизининг шарқида стратегик жиҳатидан жуда муҳим бўлган ҳарбий базага эга бўлсалар бас (Кипрни Яқин Шарқ сийнасига тўғрилаб қўйилган «тўппонча» деб аташлари бежиз эмас).

МАДАГАСКАР: ИЛГАРИГИ ЙЎЛ БИЛАН

Мадагаскарнинг реакцион кучлари яқинда қабиҳ жиноят қилдилар. Унг офицерлардан бир группаси давлат ва ҳукумат бошлиғи Ришар Рацимандравани ўлдирдилар. Реакциянинг ниятига кўра, бу террорчилик ҳаракати мамлакатда нобарқарорлик ва тартибсизликни вужудга келтириш лозим эди. Бу эса давлат тўнтаришини амалга ошириш ва 1972 йилнинг майида ағдариб ташланган Ф. Ципранана янги мустамлакачилик режимини тиклаш имконини берган бўлур эди.

1972 йилдаги умумхалқ референдумида маъқулланган социал-иқтисодий ислоҳотлар ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўли Ципранана тарафдорларига ва уларни қўллаб-қувватлаётган ажнабий монополияларга ёқмас эди. Республиканинг янги раҳбарлари ана шу йўлни тутиб, ер ислоҳотини ўтказишга киришдилар, 1971—1977 йилларга иқтисодий ривожланишнинг тўрт йиллик планини ишлаб чиқдилар. Мамлакат экономикасининг асосий тармоқлари устидан малагасийликларнинг контролини ўрнатиш — шу планнинг асосий мақсадларидан биридир. Ҳукумат жаҳондаги барча мамлакатлар билан, шу жумладан социалистик мамлакатлар билан ҳам алоқаларини ривожлантириш сиёсатини амалга оширди.

Ўз-ўзидан равшанки, Малагасия реакцияси ва ажнабий монополиялар бу йўлга ниҳоятда қарши чиқдилар. Мадагаскар экономикасининг 80 процепти ҳали ҳам ана шу ажнабий монополиялар қўлидадир. Ана шу кучлар февраль ойининг биринчи ярмида давлат тўнтариши қилишга уриндилар. Бироқ исёнчилар тор-мор қилинди.

Ҳарбий директория ҳокиминятни ўз қўлига олиб, у прогрессив ислоҳотлар йўлидан боришни давом эттиражагини, миллий мустақилликни мустаҳкамлаяжагини айтди. Мадагаскарнинг меҳнаткаш халқи бу сиёсатни кенг қўллаб-қувватламоқда.

Ю. ФЕДУТИНОВ.
(ТАСС).

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 февраль. (ТАСС). Бу ерда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси очилди. Бу мажлисда Кипрдаги аҳвол муҳокама қилинади. Оролда вазият яна мураккаблашганлиги муносабати билан Кипр ҳукуматининг талабига биноан бу масала шошилинч тартибда қўйилди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан Кипрнинг БМТдаги вакили Г. Клиридис турк жамоаси раҳбарларининг Кипрда алоҳида давлат тузиш тўғрисидаги бир томонлама қарори БМТ резолюцияларини энг қўпол равишда бузишдан иборатдир, деб таъкидлади. БМТ резолюциялари эса, Кипрнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлиги принципига риоя қилишга чақиради.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЁДГОРЛИК ШАҲРИ

ПРАГА. Бундан 33 йил аввал — 1942 йилнинг 16 февралида чех халқининг жаллоди Р. Гейдрих Терезин шаҳрини қамоқ лагерига айлантириш тўғрисидаги буйруқни имзолади. Шаҳардан ҳамма чех аҳоли сургун қилинди, унинг кўчалари линияларга, уйлари блокларга айлантириб номерланди. Узоқ уч йил мобайнида Терезинда яшайдиганлар ном ўрнига номерли кишиларга айланди.

Бугунги кунда Терезин ёдгорлик шаҳри бўлиб қолди.

Уруш йилларида гестапо турмаси бўлган кичик қалъа эндиликда музейга айлантирилди.

«ОЙ МАНЗАРАЛАРИ»ГА ҲУЖУМ

ВАРШАВА. Халқ Польшасининг индустрия юраги — Юқори Силезиядаги ҳар квадрат километр тилла баҳосидаги ерлар ҳисобланади. Бу муболаға гап эмас. Катовице воеводлигида саноат чиқитларидан ҳосил бўлган тепаликлар 15 минг гектардан ошади. Бундай майдонда 400 минг киши ҳаҳлиси бўлган шаҳар қурса бўлади. Бошқа бир проблема ҳам бор. Чиқит тепаликлардан атмосферани булғовчи зарарли моддалар доимо чиқиб туради.

Ҳозир Юқори Силезияда, бу ердагиларнинг таъбири билан айтганда мана шу «ой манзаралари»га қарши ҳақиқий ҳужум олиб борилмоқда.

ЮБИЛЕЙ КИЛОВАТТЛАРИ

БЕРЛИН. ГДРдаги Бруно Лейшнер номли энг катта атом электр станциясининг 220 минг киловатт қувватли турбинчи турбогенератори синаб кўрила бошлади. Республиканинг Ростоқ округидаги яна шу электр станция ишга туширилиши билан социалистик қурилиш йилларида ГДРда барпо этилган электр станцияларнинг ялпи қуввати 10 миллион киловатт га етади. Бу рақам ГДР аҳоли жон бошига электр энергияси ҳосил қилиш жиҳатидан (4200 киловаттдан зиёд) Япония ва Франция каби капиталистик мамлакатлардан анча ўзиб кетганлигини билдиради.

ГДР энергетика базаси тараққиётининг бутун тарихи Совет Иттифоқининг кардошларча ёрдами билан чамбарчас боғланган. СССРнинг техникавий ёрдами билан республикада кейинги йилларнинг ўзидагина «Райнсберг» атом электр станцияси ва «Тирбах» теплоэлектроцентрали ишга туширилди.

Буюк ғалабанинг 30 йиллиги олдидан

МАТРОСОВЧА ЖАСОРАТ

XXX

Украинани озод қилиш учун олиб борилган жангларда гвардиячи капитан Борис Ивановский хизмат қилган 108- гвардиячи ўқчи дивизиянинг 311-гвардиячи ўқчи полки ҳам уруш йилномасига қаҳрамонлик саҳифаларини ёзди.

2-ўқчи батальон жангчилари олдида кучли мудофаа марраси бўлган Ворошиловка қишлоғини штурм билан қўлга киритиш, душманни улоқтириб ташлаш ҳамда полкнинг Днепр бўйига чиқиб олишини таъминлаш вазифаси турарди.

Батальон командири ҳужум йўналишларини кўрсата бошлади.

— Биринчи ротани жангга капитан Ивановский олиб киради. Бу ротага, душманнинг истеҳкомларини ва мудофаа иншоотларини йўқ қилиш, Ворошиловка йўналиши бўйлаб ҳужумга ўтиш, ёрдамчи кучлар етиб боргунга қадар эгалланган позицияни қўлда тутиб туриш вазифаси юклатилади. Иккинчи ва учинчи роталар ўрмон ва ботқоқликдан айланиб ўтиб биринчи ротага ёрдамга борадилар, бирғаликда шу райондаги барча фашистлар қуршовга олиниб йўқ қилиниши, полкка йўл очилиши керак!

...Тонг гира-шира ёриша бошлаган пайтда Ивановский қишлоқни разведка қилиб келиш учун икки жангчини юборди. Жангчилар тезда қайтиб келишди. Рота ҳужумга ўтди.

Душман артиллериядан ва пулемётлардан ўт очиб бизни киларни ерга ётишга мажбур қилди. Агар қулай вазият қўлдан бой берилса, ротанинг ҳужуми барбод бўлиши мумкин. Ана шундай ҳал қилувчи дақиқада капитан Ивановский даст ўрнидан турди ва ўқ ёмғири остида «Ватан учун! Менинг орқамдан, гвардиячилар!» деб хитоб қилди-да, олдинга ташланди. Ўз командирларининг жасоратидан рухланган гвардиячилар қишлоққа «Ура!» садолари остида кириб бордилар. Кетма-кет отилган гранаталар душманнинг ўт очиш нуқталарини қўпориб юборган эди. Душман чекина бошлади. Ворошиловка қишлоғи учун бўлган жангда душманнинг бир ротага яқин солдат ва офицерлари Ивановскийнинг жасур гвардиячилари томонидан қириб ташланди.

Энди Червонний хутори учун жанглар бошланди. Гвардиячилар шиддатли ҳужум қилиб, хуторга кириб бордилар. Лекин фашистлар тез фурсатда куч тўплаб, қайта ҳужумга ўтдилар. Душман «Тигр»ларни жангга ташлади. Ўнларча фашист танклари гвардиячилар эгаллаган позицияларга қараб келарди.

— Гранаталарни тайёрланг! — команда берди Ивановский ва ўзи олдинга эмаклаб кетди.

Танклар яқинлашганда Ивановский гранаталар улоқтира бошлади. Олдиндаги танк аланга ичида қолди. Иккинчи танк окопга 20-25 метрча яқинлашганда Ивановский танкка қарши иккита граната улоқтирди. Занжири узилган танк пилдираб қолди. Кучлар тенг бўлмаган бу жангда анча солдат ҳалок бўлди. Қаттиқ яраланган Борис Андреевич Ивановский жанг майдонидан чиқмади. Қолган жангчиларни тўплаб мудофаага ҳозирланди. Шу пайт яна бир неча душман танклари кўринди.

— Гвардиячилар! — жангчиларга мурожаат қилди Борис Андреевич. — Вазият оғир. Ёрдам етиб келгунча қўлга киритилган позицияларни сақлаб туришимиз керак. Бирорта ҳам душман танкини ўтказмаймиз!

Жанг майдони даҳшатли тус олган эди. Жангчилар биринкетин ҳалок бўлишарди. Капитаннинг ўзи ҳам оёқда ʼаранг турарди. Лекин, бор кучини тўплаб окопдан чиқди. Ўт очиб келаётган танк томон эмаклаб кетди. Унинг қўлида гранаталар бойлами бор эди. Танк орасидаги масофа қисқариб борарди...

Қаттиқ портлаш рўй бериб, танк аланга ичида қолди. Танк ҳимоясида келаётган фашистлар орқага қараб қоча бошладилар. Окоплардан иргиб чиққан гвардиячилар автоматларидан сурункасига ўқ узиб, гитлерчиларни ер тишлатдилар.

Тутун тарқагач, гвардиячи жангчилар «Тигр» остида жасур командирларининг жасадини кўришди.

У қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Александр Матросов ўз кўкси билан ажал сочаётган душман дзотининг оғзини беркитиб, ғалабага улуш қўшган бўлса, оғир ярадор бўлган Борис Андреевич граната боғлами билан ўзини танк остига ташлади.

Бу 1943 йил 30 сентябрда бўлган эди. Борис Андреевич Ивановский Ворошиловка қишлоғидаги Старая Балка деган жойга дафн этилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ватан учун жонини фидо этган коммунист, гвардиячи капитан Борис Андреевич Ивановскийнинг жасоратини юксак тақдирлади. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 1 ноябрдаги Фармони билан унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1943 йилнинг 27 ноябрида қаҳрамон яшаган ва ишлаган Наманган шаҳрининг партия, совет ва комсомол ташкилотлари номига юборилган мактубда қисм жангчилари Ивановскийнинг қаҳрамонлиги билан ғурурланганликлари ҳамда у ўз жасорати билан ажойиб ватанпарварлик тимсоли бўлиб хизмат қилгани баён этилади

«...Б. А. Ивановский хизмат қилган бизнинг қисмимиз оғир жудоликка учради. Лекин Ленин партияси тарбиялаган гвардиячилар қаҳрамон Ивановскийнинг жасоратидан илҳомланиб, душманга янада қаттиқроқ зарба беравердилар. Бизнинг ишимиз ҳақ ишдир. Душман тор-мор қилинажак, биз ғалаба қозонамиз. Қаҳрамонни, тарбиялаб вояга етказган партия, совет ва комсомол ташкилотларига шон-шарафлар!

Ҳа, қўёш абадий бўлганидек, қаҳрамонларнинг хотираси ҳам абадийдир.

Р. СИДДИҚОВ.



ЎЗБЕКИСТОН БИЛЛУРИ

Тошкент «Миконд» заводи коллективи биллур буюмлар ишлаб чиқаришни яхши ўзлаштириб олди. Риҳсибой Тўраев бошлиқ бўлган цех ишчи ва хизматчилари ўтган 1974 йилда бу нодир маҳсулотдан икки миллион сўмлик ишлаб чиқарди. Беш йилликнинг якунловчи йилида 2,5 миллион сўмлик маҳсулот етиштириб бериш мажбуриятини олган цех коллективи мавжуд имкониятлар, илғор иш тажрибалари, техниканинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиб янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ойна цехининг коллективи эса пландан ташқари 50 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз, деб ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар.

Корхонада биллур буюмлардан ташқари рангли шишадан ҳам турли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир завод меҳнат аҳли 18 номда маҳсулот етиштириб бераётир. Булар орасида мева солишга мўлжалланган идишлар, гул вазалари, стакан ва турли рюмкалар бор.

Миконд чилар қўлида юқори механизациялашган станоклар ишлаб турибди, янги цехлар қурилиб, маҳсулот бераётир. Ҳозирга қадар юзга яқин юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ойна печлари бунёд этилди. Бу ердаги усталар биллур ва рангли шишалардан ясалган буюмларга ишлов беришда унумли ишлатилаётир. Улар мазкур буюмларга жило беришда жуда қўл келмоқда.

Суратларда: 1. (чапдан) буюмларга сайқал берувчи Г. Дўйсенбоева жўнатишга тайёрланган рюмкаларнинг сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Биллур буюмларни прессловчи Т. Иноғомов. 3. Юқоридан пастга: Буюк Ғалабанинг шонли 30 йиллигига атаб турли сувенирлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган цех рассоми В. Богданов.

И. Глауберзон фотолари.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

ХОРАЗМ

АТЕИСТИК КЕЧА

Республика илмий атеизм уйи Хоразм область филиали коллективининг ташаббуси билан Шовот районидаги Чкалов номли, «Ленинизм» колхозларида илмий атеистик кечалар ўтказилди. Унда диннинг реакцион моҳияти, дин ва фан ўртасидаги зиддият, янги урф-одатлар ҳаётга ва бошқа мавзуларда лекциялар ўқилди. Мўъжизасиз мўъжизалар намойиш этилди. Қизиқарли ўтган кечаларда кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

ДОВДНЯ МАКТАБИ

Урганч қурилиш-монтаж бошқармаси экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи Михаил Иванович Довдня шуҳрати Хоразм воҳасида машҳур. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган механизатор М. Довдня беш йиллик топшириқни аллақачон бажариб қўйди. Тажрибали экскаваторчининг илғор тажрибалари мактабида таълим олган юзлаб ирригаторларга Михаил Довдня сабоқлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришда қўл келмоқда.

Моҳир мураббийнинг хизматлари яқинда муносиб тақдирланди. У Бутуниттифоқ «Билим» жамияти президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

НАВҚИРОН КВАРТАЛ

Шаҳарнинг шимоли-ғарбида яқин йиллар ичида янги, 19-микрорайон қад кўтарди. Кўпқаватли иморатлардан иборат бу районда поликлиника, алоқа бўлими, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шоҳчалари ишлаб турибди. Сўнгги икки ой ичида бу ерда фойдаланишга топширилган уйларда юзга яқин оила ҳовли тўйлари ўтказишди.

АШУЛА БАЙРАМИ

Область марказида воҳа мактаб ўқувчиларининг иккинчи ашула байрами бўлиб ўтди. Ёш санъаткорлар икки кун давомида ўз санъатларини намойиш қилдилар, таниқли санъаткорлар билан учрашдилар.

Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги ва Ўзбекистон комсомолининг ярим асрлик юбилейига бағишлаб ўтказилган ашула байрамида областнинг юзлаб ўқувчилари қатнашдилар.

ЛЕКТОРЛАР ЎҚИШИ

Урганч шаҳрида область миқёсида лекторларнинг икки кунлик семинари ўтказилди. КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати, Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан идеология ходимларининг вазифалари белгиланди; ўзаро тажриба алмашинди.

Ж. ЖАЙЖОНОВ, Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

Болаларингизга ўқиб беринг

ҚИЗЧА ВА ҚУШЧА

ҲИКОЯ

Қаҳратон. Аччиқ совуқдан дарахтлар шохи қирсиллайди, Ҳамма нарса қалин қор тагида.

Ҳулкар мактабдан чиқиб, уйига олиб борадиган кенг йўлдан пилдираб бораркан, йўл ёқасида қўшнининг ҳурпайиб турган Олапарини кўриб қолди. Кўрқиб орқасига тисарилди. Ит қор устидаги нуқтадеккина бир нарсага ҳамла қилиб қўяр ва тисарилиб ўлжасини кўздан қочирмай тикилганча ўтирарди.

— Вой, бу қуш-ку, — қичқириб юборди Ҳулкар. — Чумчуқ ёки мусича. Вой, бечорагина-ей, дон тополмай очиқиб, совуқда роса қотибди-да. Уни қутқариш керак,— ўйлади қиз. Кейин нима қилишини билмай портфелини қор устига ташлади-да, қордан думалоқлаб Олапарга қараб ота кетди. Шу пайт синфдоши Искандар ҳам келиб қолса бўладими. Икковлон итни қувиб солишди. Бундоқ қарашса, қорга тўшини бериб мусича ер парчин ётарди. Қанотлари қайрилган, кўзлари юмуқ эди, бечоранинг. Атрофда уч-тўрт дона пат тўзғиб юрарди. Ит ҳуруж қилавериб обдон ҳолдан тойдирганди жониворни. Ҳулкар мусичани авайлабгина қордан кўтариб олдида, қўйнига тикди.

— Вой, қизим тушмагурей, бунча кечикдинг? Ҳавотир олиб энди мактабингга кетаётувдим, — деди онаси уни кутиб оларкан.

— Аяжон, биз мусичани қутқариб қолдик .Буни қаранг, совуқда қотиб қолибди бечора, — қиз баърини оҳиста очиб қўйнидаги мусичани онасига кўрсатган бўлди.

— Зап яхши иш қилибсан-да қизим, — онаси мусичани қўлига олди.

Ҳулкар овқат устида мусичадан неча бор хабар олди. У бояги-бояги кўзлари юмуқ, миқ этмай ётарди. Бу орада Ҳулкар дарсини тайёрлаб, кўчага чиқиб, ўйнаб ҳам қайтди. Ўртоқларини эргаштириб келиб ўзида йўқ қувониб мусичасини кўз-кўз ҳам қилди. Хуллас, термула-термула ундан хафсаласи пир бўлдими, мусича ҳаёлидан кўтарилди. Бир маҳал Ҳулкар қиз хонани гир айланиб тувакдаги гулларга сув қуйиб чиқаётганди, бир нима шитир этгандай бўлди. Қиз жон ҳолатда мусича ётган томонга қаради. Мусича бўлса кўзларини милт-милт очиб-ёпиб, ингичка оёқларини кериб-кериб қўярди...

— Ойи, ойижон, у тирилди, — ўйни бошига кўтариб қичқириб юборди қиз.

Она-бола мусичага аввал илиқкина сув тутишди, қейин дон сепишди.

Кечки пайт Ҳулкарнинг дадаси ишдан, опаси ва акаси ўқишдан қайтишганда мусича хонанинг у бурчагидан бу бурчагига пир-пир учиб ойналарга урилар, икки кўзи ташқарида, озодликни қумсарди.

— Сабр қил, жонивор. Сени шу совуққа ишониб бўладими? — деб қўярди Ҳулкарнинг аяси.

Мусича ҳар гал чарх уриб қуёшни, бепоён осмону заминни кўмсаб жазаваси тутганда Ҳулкар аясининг гапини такрорлаб қўярди:

— Беозоргинам, юмшоққинам озгина сабр қил...

Бу қишнинг сўнгги дағдағаси эди. Орадан икки-уч кун ўтмай ҳаво юмшаб қорлар эриб кетди. Қуёш кулиб чиққан, чароғон кун. Ҳулкар мусичани икки кафти орасида авайлаганча аяси билан дадасининг ўртасида айвонга чиқди. Опаси билан акаси ҳам кулиб қараб туришарди. Ҳулкар мусичани айвондаги стол устига қўйди. Мусича қутилмагандаги бу бахтдан эсанкирабми, ҳурсандчилигиданми уёқ-буёққа алангланб, секингина патларини қоқиб силкинди, силкинди-ю пар этиб учиб бориб қўшнининг томига қўнди.

— Учавер, баландроқ уч, жонивор. Узоқларга уч, лекин қизалоғимни соғинтириб қўйма, келиб турр..., — деркан Ҳулкарнинг дадаси шоирона энтикиб қизининг пешонасидан ўпиб қўйди.

Баҳор ҳиди келиб қолганди. Болалар варрак учириб, қизалоқлар чир-чир коптоқ ўйнаб кўчадан бери келмайдиган илиқ паллалар. Шундай чиройли кунлардан бирида қизчанинг ҳовлисига ўша мусича иккита бўлиб кукулаб келиб қўнди. Ҳулкар дон сепди, ўйнаб берди, қушиқлар айтиб кузатди уни.

Ойлар ўтди. Мусича энди тўртта бўлиб келди. Қизалоқнинг битта дўсти энди тўртта бўлганди.

Дилбар МАҲМУДОВА.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

Луначарский шоссесида патруллик қилаётган милиция кичик сержанти Халил Маматқулов 15-озиқ-овқат магазини контроль чиғоғининг ўчиб қолганини пайқади. У яқин келиб қараса магазин эшиги бузилган ва ичкарида кимнингдир оёқ шарпаси эшитилди. Секин ичкари кирди. Қоронғида турган кишининг қўлидаги пичоғи ялтираб кетди. У ҳужумга тайёрланарди. Милиционер чаққонлик билан ҳаракат қилди ва самбо усулини ишга солиб ўғрини ерга ағдарди ва пичоғини юлиб олиб қўлларини боғлади.

Аниқланишича бу киши В. Ф. Пенчелюзов бўлиб РСФСР жиноят кодексининг 206-моддасига биноан икки йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган. У муддатни ўтаганидан кейин ҳам ҳеч қаерда ишламай юрди. Тошкентга келди, бу ерда ҳам фойдали меҳнат билан шуғулланмади. Шу йил январь ойининг охирларида тунги соат учларда мазкур магазиннинг қулфини бузиб ичкарига кирди. Телефон ва электр симларини узиб ташлади. Аввал ўтириб ярим литр ароқни паққос ичиб олди, сўнгра пул қидира бошлади. Магазин мудирининг хонасига кириб барча ҳужжатларни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Турли хил маҳсулотларни қопга жойлаётган пайтда қўлга тушиб қолди.

Милиция капитани В. Кутаев уни тергов қилган пайтда тунги қароқчи магазинга ўғирлик қилиш учун тушганига тўла иқрор бўлди. Ҳушёр милиция ходими Х. Маматқуловга давлат мулкини сақлаб қолгани, ўз вазифасини сидқидилдан адо этгани учун ташаккурнома эълон қилинди. Ўғри эса яқинда халқ суди олдида қилмишига яраша жазосини олади.

Р. РАИМБЕКОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири, милиция майори.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ШАРАФЛАРГА БУРКАНГАН, ЕНГИШНИ ЎРГАНГАН АРМИЯ

Истеъфодаги полковник Иван Иванович Вишневский тўрт урушни кўрди. Бу урушлар унинг фақат баданида эмас, балки юрагида ҳам чуқур жароҳат излари қолдирган. Чет эл интервентларига, босмачиларга қарши омонсиз жангларда, Финляндия ботқоқликларида мислсиз жасорат кўрсатди. Улуғ Ватан уруши бошларида душманнинг сараланган қисмларига қарши полкдош дўстлари билан кўнгилини қалқон қилди. Афсонавий қаҳрамон Д. М. Карбишев билан душманнинг ўлим лагерларида ажал домига бардош берди. Бугунги кунда у Тошкентда запасдаги офицерлар комитетининг раиси сифатида катта жамоат ишларини олиб бормоқда.

Ушбу сатрлар Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг кундалик газетаси «ФРУНЗЕВЕЦ» билан «ЎҚИТУВЧИЛАР ГАЗЕТАСИ»нинг дам олиш кунида чиққан қўшма сонидан олинди.

Ҳар икки газетада Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишилари нўрсатган мислсиз жасорат тараннум этилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 7 миллиондан ортиқ киши, жумладан республикамизнинг мард ўғил-қизларидан 120 минг жангчи орден ва медаллар билан мукофотлангани эслатиб ўтилади. Саҳифалардаги ранг-баранг материаллар улуғ Ғалабанинг не-не қурбонлар эвазига қўлга киритилганини ҳикоя қилади, ёшларимизни оталар ишига, уларнинг жанговар анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ўзбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.

Авторлар коллективи. ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ТАРИҲИ. Очерклар тўплами. IV китоб, 475 бет, тиражи 5000, баҳоси 1 сўм 94 тийин.

И. Р. Муллажонов. Иқтисод фанлари кандидати. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ. 141 бет. тиражи 15000, баҳоси 27 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУҲИМ ВА УНУТИЛМАС ВОҚЕАЛАР КАЛЕНДАРИ. 1975 йил учун. 152 бет, тиражи 10000, баҳоси 18 тийин.

Абдумажид Раҳимов. НИКОЛАЙ КОПЕРНИК. 34 бет, тиражи 5000, баҳоси 6 тийин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Спорт программаси. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 20.05 — Енгил фожиа (теленовелла). 20.45 — «Ахборот». 21.05 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимдари телевизион халқ университети. 22.50 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Колокольчик» театри. 19.30 — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.00 — Концерт. 20.15 — Уч аёл (1-фильм). 22.00 — «Азимут» (Тошкент). 22.30 — Фильм-концерт. 22.35 — 1975 йил қўшиқлари. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Концерт. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Аланга ичидаги қитъа (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/II да Русалка, 26/II да Риголетто, 27/II да Бир актли балетлар: Кармен-сюита; Ойимқиз ва безори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да Ҳаёт шоми, 26, 27, 28/II да Чақмоқ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/II да Катта концерт, 26/II да Жоним фидо, 27/II да Хотиннинг эри, 28/II да Катта концерт.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да Беш кунлик қуёв, 26/II да Биринчи бўса (17.00).

КИНО

Бонг — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Есения — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Разведкачининг жасорати — ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» заводи қошидаги 87-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарлар, фрезерчилар, йиғувчи слесарлар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Билим юртига 8—10-синф маълумотига эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 марта бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикасида ишлагани учун 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Завод қошида кечки мактаб, ҳамда авиация техникуми филиали жойлашган.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан характеристика, турар жойидан справка, фотосурат (6 дона, 3х4 см.).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент-100, Ш. Руставели кўчаси, 53-уй (2, 3, 18, 45, 50, 54, 58-автобуслар, 2, 6, 13, 15-троллейбуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайларнинг «Б. Хмельницкий кўчаси» бекати).

Узбекистон ССР Олий ва ва ўрта махсус таълим министрлиги ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра катта ўқитувчилари: иқтисод ва автотранспортни ташкил қилиш (3), ҳисоблаш техникаси (2), автомашиналар, кўприклар ва тоннеллар, олий математика, илмий коммунизм, жисмоний тарбия;

кафедра ассистентлари: чизма геометрия (2), қурилиш-йўл машиналари.

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, К. Маркс кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театрининг дирекцияси, партия ва касаба союз комитетлари театр артисти Жаҳонгир Усмоновга отаси

Аппон УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 01248. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 47.